Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



# УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 530 Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш (CITES) соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

улар томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида мазкур қарорнинг мақсадлари, мазмуни ва аҳамиятини кенг ёритиш тадбирлари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 20 октябрь,
290-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, шунингдек ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини белгилайди.

Давлат ўрмон фондидаги ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш хусусиятлари бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Мазкур Низом талаблари ҳовлиолди, хусусий боғлар ва дала ҳовлиларда фойдаланилаётган дарахт ва буталарга татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**квота** — доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни йиғиш ва тайёрлашнинг қонуний белгиланган меъёрлари;

**ботаника коллекциялари** — уруғлар, гуллар, мевалар, пиёзбошчалар, илдизлар, барглар, гербарийлар, консервация қилинган ва тирик ўсимликларнинг тартибга солинган мажмуаси;

**маданийлаштирилган ўсимликлар** — табиий ўсиш шароитлари ёввойи ҳолдаги шароитдан минимал даражада фарқ қилувчи питомник ва плантацияларда муайян моддий ва меҳнат харажатлари билан чегараланган парваришлаш, кўпайтириш ва ишлов беришни амалга оширувчи шахснинг қисман назоратидаги ёввойи ўсимликлар;

**яшаш фаолияти маҳсулотлари** — уруғлар, гуллар, мевалар, барглар, поялар, илдизлар, пиёзбошчалар, шарбат (елим);



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



**махсус экин майдонлари (плантациялар), парваришхоналар** — ўсимликларни уруғи, илдизи, пиёзбошчалари, мицелийлари ва қаламчаларидан кўпайтириш мақсадида фойдаланиладиган, инсоннинг доимий назоратидаги майдонлар;

**ваколатли органлар** — қонун ҳужжатлари билан зиммасига тадбиркорлик субъектларига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш вазифаси юкланган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар;

**рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат** — ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган ва табиатдан фойдаланувчига бериладиган, ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳамда рухсатнома, келишув, хулоса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ифодаланадиган қарор.

3. Қуйидагилар ўсимлик дунёси объектлари ҳисобланади:

ёввойи ҳолда ўсувчи организмлар — дарахтлар, буталар ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг барча хилма-хил турлари билан;

ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимлик гуруҳлари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи;

камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турлари;

ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки уларнинг ўсиш давридаги маҳсуллари.

Танаси, пўстлоғи, шохлари, пояси, илдизи, ғунчаси, гуллари, уруғлари, мевалари, барглари, пиёзбошчалари ва шарбати (елими) ўсимликларнинг қисмлари ҳисобланади.

## II. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш

4. Қуйидагилар ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари ҳисобланади:

а) ёввойи ҳолда ўсувчи озуқа маҳсулотларини чорвачилик эҳтиёжлари учун ғамлаш;

б) чорва молларини ўтлатиш;

в) ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

г) ёввойи ўсимликларнинг техник хом ашёсини ғамлаш;

д) ёввойи ўсимликларнинг доривор хом ашёсини ғамлаш (йиғиш);

е) ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун ғамлаш (йиғиш);

ж) дарахт ва буталарни кесиш (санитария тартибида, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек бино, иншоот ва коммуникация қурилишлари билан боғлиқ ҳолатларда);

з) ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш;

и) ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбия, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



к) ўсимлик дунёси объектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш;

л) ўсимлик дунёси объектларидан коллекциялаш мақсадларида фойдаланиш.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

5. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус бўлиши мумкин.

6. Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш мазкур Низомнинг 4-банди «г», «д», «е», «и» кичик бандларида назарда тутилган турларда ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

7. Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш фойдаланувчилар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун бепул амалга оширилади.

Умумий фойдаланиш меъёрлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат қўмитаси деб аталади) билан келишув бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

8. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ, тўлов эвазига Давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади.

9. Чорвачилик эҳтиёжлари ва чорва молларини ўтлатиш учун ёввойи озуқа маҳсулотларини ғамлашга рухсатнома берилганлиги учун тўлов миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, ерларнинг тоифаси ва яйловларнинг (пичанзорларнинг) ҳосилдорлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Махсус экин майдонлари (плантациялар) ва парваришхоналарда етиштирилган ўсимликларни ғамлаш (тўплаш) учун тўлов ундирилмайди.

10. Яланғоч қизилмияни ғамлаш (тўплаш) юридик ва жисмоний шахслар томонидан, улар Ўзбекистон Республикасининг яланғоч қизилмия илдизи экстракти ишлаб чиқарадиган қайта ишловчи ташкилотлар билан ғамланган яланғоч қизилмияни етказиб бериш юзасидан шартномалар тузишган тақдирда, махсус фойдаланиш учун рухсатнома олмасдан амалга оширилади

Яланғоч қизилмияни ғамлаш (тўплаш), шунингдек қайта ишлаш маҳсулотларини четга олиб чиқиш мазкур Низомнинг 3-иловасидаги схемага асосан амалга оширилади.

11. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тасдиқланган квоталар доирасида амалга оширилади.

Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларининг ёввойи турларини ва ёввойи ўсимликлар техник хом ашёсини ғамлашга квоталар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



Келгуси йил учун доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларининг ёввойи турларини ва ёввойи ўсимликлар техник хом ашёсини ғамлашга квоталар табиатдан фойдаланувчилар томонидан жорий йилнинг 1декабридан 30 декабрига қадар бўлган даврда берган буюртманомалари асосида шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига келишиш учун юборилади. Табиатдан фойдаланувчиларнинг буюртманомаларига асосан 1 апрелдан 30 майга қадар ушбу ўсимлик турлари захираларининг мавжудлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижобий хулосасига асосан уларни ғамлаш (тўплаш) учун қўшимча квоталар ажратилиши мумкин.

Пичан ўриш ҳамда табиий пичанзорлар ва яйловларда чорва молларини ўтлатиш меъёрлари ва муддатлари тегишли қишлоқ ҳамда сув, шунингдек ўрмон хўжалиги давлат органларининг тақдимномаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган квоталар, шунингдек пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш меъёрлари ҳамда муддатлари табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий қўмиталарига, шунингдек ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларга уларнинг буюртманомалари асосида етказилади.

12. Тўлов эвазига ўсимлик дунёсидан махсус фойдаланиш фойдаланувчиларни ёввойи ўсимликлар ва уларнинг ўсиш жойларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва биотехник тадбирларни бажаришдан озод этмайди. Муҳофаза этиладиган ҳудудларда ўсимлик дунёсидан фойдаланиш уларда белгиланган режимлар асосида амалга оширилади.

13. Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишга фақат ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари билан келишув бўйича, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра, бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларнинг қурилиши билан боғлиқ санитария кесишлари тартибида йўл қўйилади.

Фойдаланувчиларнинг мулки бўлган ва улар томонидан махсус қурилиш ҳамда ҳосили учун экилган дарахт ва бута плантациялари (терак ва бошқа тез ўсувчи навлар, тут плантациялари, мевали дарахтлар, буталар) ушбу тоифа ўсимликларига кирмайди.

14. Қуриб қолган, табиий зараркунандалар ва касалликлар таъсирида кучли зарарланиб қуриётган дарахт ва буталарни кесиш ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари билан келишилган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра махсус рухсатномасиз амалга оширилади.

15. Дарахтзорлар ва бутазорларнинг қуйидаги тоифалари давлат ўрмон фондига кирмайди:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар атрофига экилган дарахтлар ва туп-туп дарахтлар, экинзорларнинг иҳота дарахтзорлари, шунингдек бошқа дарахтзорлар ва бутазорлар;

давлат захира ерларида жойлашган темир йўл, автомобиль йўллари, каналлар ва бошқа сув объектларининг ажратилган минтақаларидаги иҳота дарахтзорлари;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



ташкилотлар ва муассасалар ҳудудидаги дарахтлар, шунингдек шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги кўкаламзорлаштириш учун экилган ўсимликлар;

сувни муҳофаза қилиш ва эрозияга қарши экилган дарахтлар, ўрмон фондида жойлашмаган ўрмон массивлари, шаҳар ичидаги ўрмонлар, шаҳар атрофидаги ва аҳоли яшаш ҳудудларидаги яшил ўрмон ҳудудлари, илмий ва тарихий аҳамиятга эга ўрмонлар, бошқа аҳамиятга эга ўрмонлар, аҳоли яшаш ҳудудларидаги дарахтзор ва бутазорлар, шунингдек бошқа дарахтзор ва бутазорлар.

## III. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби

### Умумий қоидалар

16. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома тегишли ваколатли органлар томонидан мазкур Низомнинг 4-иловасидаги схемага асосан берилади.

17. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилганлари учун рухсатномалар жорий йил учун белгиланган квоталар доирасида берилади.

Ушбу талаблар Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция (CITES)нинг I, II ва III иловаларига кирувчи ўсимликлар намуналарини олиб кириш ва олиб чиқиб кетишга рухсатномаларга татбиқ этилмайди.

18. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун рухсатномалар қуйидаги ваколатли органлар томонидан берилади:

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан:**

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида Қизил китобга киритилмаган ўсимлик турларини табиий муҳитдан ғамлашга (тўплашга) олиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан олиш учун;

ёввойи ўсимликларни, уларнинг қисмларини олиб кириш ва четга олиб чиқиб кетиш учун;

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахт ва буталарни кесишни келишади;

**Давлат ўрмон фонди ерларида — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан:**

Ўрмон фонди ерларида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилмаган ўсимлик турларини табиий муҳитдан ғамлашга (тўплашга) олиш учун;

пичан ўриш учун яроқли ўрмон фонди ерларида пичан ўриш учун;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



ўрмон фондининг яйлов ерларида чорва молларини ўтлатиш учун;

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан:**

ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни санитария кесиш мақсадида ёки кесиш учун;

пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун.

19. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Қизил китобга киритилган, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан олишни келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдимнома киритади.

Тақдимномага Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган квота илова қилинади.

Махсус экин майдонлари (плантация) ва парваришхоналарда етиштирилган ўсимликларни йиғиш (тўплаш) учун рухсатнома талаб этилмайди.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси киритилган тақдимномани 10 иш куни мобайнида келишади ва уни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юборади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг келишуви асосида тегишли рухсатномаларни расмийлаштиради.

21. Рухсатномаларнинг амал қилиш муддати 31 декабрдан кеч бўлмаган муддатда тугайди.

Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция (CITES)нинг иловаларига киритилган ёввойи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини, ўсиш давридаги маҳсулларини, ботаника коллекцияларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва ундан олиб чиқиб кетиш учун рухсатномаларнинг амал қилиш муддатлари Конвенция талабларига мувофиқ белгиланади.

22. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш, шу жумладан олиб кириш ва четга олиб чиқиб кетиш учун рухсатномалар белгиланган намунадаги бланкалар асосида берилади, уларда назорат маркалари, ҳисобга олиш рақамлари ва ҳимояланганлик даражалари бўлади.

23. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномалар мазкур Низомнинг 5 — 12-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича берилади.

## Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

24. Қуйидагилар ҳаракатларни бажаришда ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома беришга доир талаблар ва шартлар ҳисобланади:

табиатдан фойдаланувчилар томонидан ҳаракатларни бажаришда ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда қонун талабларига мажбурий риоя этиш;

табиатдан фойдаланувчи — юридик шахс бўлганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, табиатдан фойдаланув-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



чи — жисмоний шахс бўлганда, унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда қайта рўйхатдан ўтгандан кейин 7 иш куни мобайнида ваколатли органларни хабардор қилиш;

ўсимликларни тайёрлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган хўжаликлар ва ҳудудларда ўсимликларнинг ўсиш жойларини сақлаб қолиш учун биотехник ҳамда қайта тиклаш тадбирларини, шу жумладан фойдаланиш жараёни натижасида бузилган ўсимлик ва тупроқ қопламини рекультивация қилишни экологик, санитария гигиена, бошқа меъёр ва қоидаларга қатъий риоя этиш бўйича ваколатли орган томонидан тасдиқланган ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини амалга ошириш;

рухсатномаларда кўрсатилган доирада ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амал ошириш;

олинган рухсатноманинг амал қилиш муддати тугангандан сўнг, 10 иш куни давомида қисқа ҳисобот билан уни берган органга қайтариш (ўсимлик дунёси объектларининг ғамланган ҳажми, вақти ва тўплаш жойи);

рухсатномада кўрсатилган талабларга риоя қилиш;

рухсатномага ўз ихтиёри билан қандайдир тузатишлар ва қўшимчаларни киритишни тақиқлаш;

Рухсатномани олишга аризани кўриб чиқиш ва рухсатномани бериш учун тўлов.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ёввойи ўсимликларни ғамлаш (тўплаш) учун рухсатнома фақат аризачига ёки унинг ишончли вакилига, бошқа шахсларга бермаслик ҳуқуқи билан берилади.

Рухсатнома талабларига риоя қилган, ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш тадбирларини амалга оширган, ўсимлик маҳсулотлари захирасини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказган юридик ва жисмоний шахслар тенг шароитларда ёввойи ўсимлик турларини ғамлаш ва тўплашга рухсатномалар олишда устувор ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

25. Рухсатнома олган шахс фойдаланиш учун уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга эмас, рухсатнома корхона раҳбари номига берилган ҳолатлар бундан мустасно.

Амал қилиш муддати тугаган ўсимликларни ғамлаш (тўплаш) учун берилган рухсатномалар фойдаланиб бўлингандан сўнг ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш органларига қайтарилади (10 иш куни давомида).

26. Ўсимлик дунёси объектларини олганлиги учун тўлов ариза ваколатли органда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, амалдаги қонунчилик асосида 15 иш куни давомида ундирилади.

27. Ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва четга олиб чиқиб кетиш учун берилган рухсатномалар фойдаланилмаган ёки қисман фойдаланилган бўлса, божхона органларининг қўйилган белгиси билан олинган жойига қайтарилади. Табиатдан фойдаланувчининг аризасига кўра, четга олиб чиқилмаган (олиб кирилмаган) ўсимлик дунёси объектларининг миқдори учун



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



янги рухсатнома берилиши мумкин. Агар аввал берилган рухсатнома энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгаргунгача расмийлаштирилган бўлса, бундай ҳолларда нархлардаги тафовут қўшимча равишда тўланади.

28. Четга олиб чиқилаётган ўсимлик дунёси объектларининг божхона расмийлаштируви Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилган рухсатнома асосида амалга оширилади, ушбу объектлар давлат чегарасидан олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан тегишли белги қўйилади.

29. Ўсимлик дунёси объектларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун тўловлар миқдорларини ҳисоблаш мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

## Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиби

30. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ўсимлик турларини табиий муҳитдан ғамлашга (тўплашга), олишга рухсатномалар, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (унинг бошқарувида бўлган ўрмон фонди ерларида) томонидан, табиатдан фойдаланувчиларнинг аризасида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахс маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;

ўсимлик тури, унинг ғамланадиган қисмларини — барглари, илдизлари, мевалари, шарбати ва бошқаларни кўрсатган ҳолда;

ғамлаш ёки тўплаш усули;

ғамлаш ҳудуди (вилоят, туман);

ғамлаш ёки тўплаш ҳажми (кг, тн, дона, кубометр);

ғамлаш (тўплаш) муддатлари.

Табиатдан фойдаланувчининг ўсимлик турларини ғамлаш (тўплаш), олишга оид аризасида ўсимлик турларини ғамлаш (тўплаш), олиш назарда тутилаётган ҳудудларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчиларнинг ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг розилиги кўрсатилган бўлиши шарт.

31. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан олишга рухсатномалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг розилигига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, табиатдан фойдаланувчиларнинг аризасида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



ўсимлик тури, унинг ғамланадиган қисмларини — барглари, илдизлари, мевалари, шарбати ва бошқаларни кўрсатган ҳолда;

ғамлаш ёки тўплаш усули;

ғамлаш ҳудуди (вилоят, туман);

ғамлаш ёки тўплаш ҳажми (кг, тн, дона, кубометр);

ғамлаш (тўплаш) муддатлари.

Табиатдан фойдаланувчининг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан тўплашга рухсатнома олиш учун аризасида ўсимлик турларини ғамлаш (тўплаш), олиш назарда тутилаётган ҳудудларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг розилиги кўрсатилган бўлиши шарт.

32. Ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмларини олиб кириш ва четга олиб чиқишга рухсатнома Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, табиатдан фойдаланувчиларнинг аризасида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;

турлар бўйича четга олиб чиқиладиган ёки олиб кириладиган ўсимликларнинг, уларнинг қисмлари, мевалари, уруғлари ва ботаника коллекциялари миқдори ва сони. Ботаника коллекцияларини четга олиб чиқишда экспонатлар ҳар бир нусхасининг сони кўрсатилади;

четга олиб чиқиш (мамлакат, шаҳар) ёки олиб кириш жойи;

олиб чиқиш учун асос — ёввойи ўсимликнинг қонуний сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ёввойи ўсимликларни қонуний ғамлаш (тўплаш) олишга рухсатноманинг тартиб рақами);

33. Сунъий шароитда (махсус экин майдонларида (плантацияларда, парваришхоналарда) ўстирилган ўсимликларнинг маҳсулотларини четга олиб чиқиш учун қуйидагиларни кўрсатган ҳолда ариза берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;

олиб чиқилаётган ўсимликлар, уларнинг қисмлари, мевалари, уруғлари миқдори.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер майдонини ажратиш тўғрисидаги қарори ёки ер майдонини ижарага бериш шартномаси;

ёввойи ўсимликлар захирасининг ҳолати тўғрисида илмий-тадқиқот ташкилотлари ва таълим муассасалари биолог мутахассисларининг хулосаси.

34. Ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахт ва буталар фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек бино, иншоот ва коммуникация



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



қурилишлари билан боғлиқ ҳолатларда санитария тартибида кесиш имкониятларини белгилаш мақсадида амалга оширилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли рухсатномани бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун келишув тақдим этилади.

35. Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни санитария мақсадида кесиш ёки кесиш учун рухсатномалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилиб, қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;

кесилиши лозим бўлган дарахтлар ва буталарнинг тури (фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек бино, иншоот ва коммуникация қурилишлари билан боғлиқ ҳолда);

кесиш муддати ва жойлашган манзили (уй ва хонадон рақами, кўча, туман).

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ариза олингандан кейин табиатни муҳофаза қилиш органларига дарахтларнинг ҳолатини ўрганиш учун йўллайди. Дарахтларнинг ҳолатини ўрганиш натижаси бўйича далолатнома тузилади. Келишув ижобий бўлган тақдирда кесиш учун рухсатнома расмийлаштирилади.

36. Пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун рухсатномалар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан — ўрмон фонди ерларида), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (захира ерларда) томонидан, қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;

фойдаланиш тури (пичан ўриш ёки чорва молларини ўтлатиш);

пичан ўриш миқдори ҳажмлари (кг, тонна, кубометр), отлар, эшаклар сони қорамоллар (чорва моллари) ўтлатилганда — уларнинг тахминий ёши) ва фойдаланиш муддати;

Рухсатнома аризачига дафтарга ёки рухсатнома нусхасига имзо қўйилгандан сўнг берилади.

37. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

38. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тегишли ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат ёки ариза нусхаси бўйича қабул қилинади, рўйхат мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилин-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



ган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол табиатдан фойдаланувчига берилади.

### Аризани кўриб чиқиш ва рухсатномани бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарорни қабул қилиш

39. Ариза ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб 15 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

40. Ўсимлик дунёси объектларини ғамлашга (тўплашга) рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва рухсатнома берилганлиги учун ҳар гал Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 0,1 коэффициенти миқдорида, табиатдан фойдаланувчилар — юридик шахслардан 0,2 коэффициенти миқдорида ва хорижий фуқаролардан — 10 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

41. Ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмларини олиб кириш ва четга олиб чиқишга рухсатнома бериш учун аризаларни кўриб чиқишда ҳар гал:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 0,1 коэффициенти миқдорида;

табиатдан фойдаланувчилардан — юридик шахслардан — энг кам ойлик иш ҳақининг 0,2 коэффициенти миқдорида;

хорижий фуқаролардан — CITES рухсатномалари учун 50 АҚШ доллари ва бошқа рухсатнома учун — 10 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

42. Рухсатнома берганлик учун йиғим суммаси «Давбионазорат» инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига ёки Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

43. Ваколатли орган табиатдан фойдаланувчига рухсатнома бериш учун, бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган қўшимча ҳужжатлар олиши талаб қилинадиган ҳолларда, рухсатнома бериш соддалаштирилган тартибда «бир дарча» орқали амалга оширилади, бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни табиатдан фойдаланувчининг иштирокисиз мустақил равишда олади.

44. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ёввойи ўсимликлар ҳажмларини аниқлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосасини олиш зарур бўлган тақдирда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фанлар академиясига қуйидагилар кўрсатилган ҳолдаги хат билан мурожаат қилади:

ўсимлик тури;

хулоса олишдан мақсад;

ғамлаш (тўплаш) ҳудуди (жойи) .

45. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан хатни кўриб



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



чиқиш муддати — ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб кўпи билан 5 иш куни.

46. Фанлар академиясидан ижобий жавоб олинган тақдирда рухсатнома бериш масаласини келишишни сўраб Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Фанлар академиясининг хулосасини илова қилган ҳолда мурожаат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг розилиги олинган тақдирда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатдан фойдаланувчига ўсимликни ғамлаш (тўплаш) учун тўлов тўлагандан сўнг рухсатнома беради.

47. Ваколатли орган қарор қабул қилиш учун табиатдан фойдаланувчилар томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, мустақил равишда ёки учинчи шахсларни жалб этган ҳолда тадқиқлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Бунда кўриб чиқиш муддати 30 кунгача узайтирилади.

48. Ваколатли орган тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай табиатдан фойдаланувчиларга рухсатнома беради (юборади) ёки рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисида уларни ёзма шаклда хабардор қилади.

49. Рухсатнома бериш қуйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

рухсатнома берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг табиатдан фойдаланувчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

табиатдан фойдаланувчининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

табиатдан фойдаланувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ўсимлик дунёси объектларини ғамлаш, уларни ушлаб туриш (сақлаш), транспортда ташишни ўрганишлар, тадқиқлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг якунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса олинганлиги.

50. Рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш ҳақидаги хабарнома табиатдан фойдаланувчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ меъёрлари ва табиатдан фойдаланувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Табиатдан фойдаланувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

51. Табиатдан фойдаланувчи рухсатномани беришнинг рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, рухсатномани бериш ёки уни беришни рад этиш табиатдан фойдаланувчининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилган-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



лигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

52. Аризани такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ариза берувчига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини ваколатли орган томонидан келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

53. Рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин табиатдан фойдаланувчи томонидан берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

54. Табиатдан фойдаланувчи рухсатномани бериш рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## Рухсатномаларни қайта расмийлаштириш ва уларнинг дубликатларини бериш

55. Табиатдан фойдаланувчи — юридик шахс қайта ташкил этилган унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда табиатдан фойдаланувчи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин 7 иш куни мобайнида ваколатли органга рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

56. Табиатдан фойдаланувчи — жисмоний шахснинг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда табиатдан фойдаланувчи қайта рўйхатдан ўтгандан кейин 7 иш куни мобайнида ваколатли органга рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

57. Ҳужжатлар табиатдан фойдаланувчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, уларнинг олинганлиги ҳақида хабардор қилган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар табиатдан фойдаланувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

58. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилгунга қадар рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган табиатдан фойдаланувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида ваколатли органнинг белгиси қўйилган ариза асосида, унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажаради ёки амалга оширади.

59. Рухсатнома қайта расмийлаштирилганда ваколатли орган берилган



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



рухсатномалар реестрига тегишли ўзгартишларни киритади. Рухсатномани қайта расмийлаштириш ва бериш рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ваколатли орган томонидан олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

60. Рухсатномани қайта расмийлаштирганлик учун табиатдан фойдаланувчининг рухсатномани бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза топширилган санада тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси рухсатнома берувчи ваколатли органларнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Олинган маблағлар моддий-техник таъминот ва табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига сарфланади .

61. Ваколатли органга рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза унинг амал қилиш муддати тугагунга қадар топширилган бўлиши керак. Рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, фойдаланилмаганлик ҳолатининг асосланган сабаблари кўрсатилганда, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибида амалга оширилади.

62. Рухсатнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда табиатдан фойдаланувчининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

63. Ваколатли орган ариза, шунингдек ҳужжат яроқсиз ҳолга келган тақдирда, рухсатноманинг асл нусхаси ҳамда рухсатноманинг дубликати берилганлиги учун табиатдан фойдаланувчи томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан эътиборан 5 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда рухсатноманинг дубликатини бериши (юбориши) шарт.

Рухсатноманинг дубликати берилганлиги учун табиатдан фойдаланувчининг рухсатномани бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун, дубликатни бериш ҳақидаги ариза топширилган санада тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ваколатли органларнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

## Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

64. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

65. Қуйидагилар рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир маротаба қўпол равишда бузганлик учун рухсатноманинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатишга асос бўлади:

ваколатли органнинг рухсат беришга доир талаблар ва шартларнинг бажарилишини белгиланган тартибда текширишидан бош тортиш;

рухсатнома бериш натижасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёки ўсимлик



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



дунёси объектларига ҳақиқатда хавф солишга олиб келса, рухсатномада кўрсатилган уларнинг ўсиш муҳитидан ташқари (ғамлаш, тўплаш ва бошқа) ҳаракатлардан ташқари;

табиатни муҳофаза қилиш қонунчилик меъёрларининг ва рухсатнома талабларининг бузилиши;

рухсатнома олиш учун қалбаки ҳужжатларнинг тақдим этилганлиги ёки ўсимликларни тўплаш ва сақлаш шароитларининг мавжуд эмаслиги.

## Берилган рухсатномалар реестри

66. Ваколатли органлар берилган рухсатномаларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

67. Берилган рухсатномалар реестрида табиатдан фойдаланувчилар тўғрисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

табиатдан фойдаланувчи — юридик шахсларнинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;

табиатдан фойдаланувчи — жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

рухсатноманинг берилган санаси ва тартиб рақами;

рухсатноманинг амал қилиш муддати;

рухсатномани қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш асослари ва санаси;

рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

рухсатномани бекор қилиш асослари ва санаси;

рухсатнома дубликатини бериш асослари ва санаси.

68. Берилган рухсатномалар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади.

## IV. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланилишини назорат қилиш тартиби

69. Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни кўпайтириш юзасидан давлат назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади.

70. Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни кўпайтириш юзасидан идоравий назорат ёввойи ўсимликлар ўсадиган ҳудуд қарашли бўлган органлар: давлат ўрмон фондида — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан; ўз ҳудудларида — ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади.

71. Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни кўпайтириш юзасидан жамоатчилик назорати жамоат бир-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



лашмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

72. Давлат назорати органлари томонидан фойдаланувчиларнинг белгиланган муддатларга, меъёрларга ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва кўпайтиришнинг бошқа қоидаларига риоя этилиши текширилади.

73. Табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш меъёрлари ва талаблари бузилишини аниқлаш мақсадида ёввойи ўсимликлар кўпайтириладиган ҳудудни қаршиликсиз бориб кўриш;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни текшириш, ўсимлик дунёси объектларининг тайёрланган маҳсулотларини, ўрмончи ва егерлар қоровулхонасини, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг қоровулхоналарини, омборлар ва бошқа иморатларни текшириш, шунингдек транспорт воситаларининг барча турларини кўздан кечириш ва тўхтатиб туриш;

ўсимлик дунёсининг тайёрланган объектлари билан боғлиқ шахслардан ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун берилган ҳужжатларни кўрсатишни, улар томонидан ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши сабабли ёзма тушунтиришлар берилишини талаб этиш;

мазкур Низом, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари, меъёрлари, муддатлари ва бошқа талаблари бузилишини бартараф этиш тўғрисида ўсимлик дунёси объектларидан барча фойдаланувчиларнинг бажариши мажбурий бўлган кўрсатмаларни бериш;

мазкур Низом ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар бузилган ҳолда амалга оширилаётган ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни олиб қўйиш, шунингдек ноқонуний тайёрланган маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш ҳамда тайёрлов ва савдо ташкилотларига бериш;

ўтказилган текшириш тўғрисида далолатномалар ва маъмурий қонунбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва уларни кўпайтириш бўйича фойдаланувчилар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни назорат қилиш;

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, мазкур Низом ҳамда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича бошқа қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда амалга оширилаётган ишларни тўхтатиб қўйиш;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ва қонун бузилиши тўғрисидаги материалларни тегишли органларга юбориш;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



хизмат юзасидан берилган ўқ отиш қуролини ва унинг ўқ-дориларини белгиланган тартибда олиб юриш.

74. Табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилишга ва ўз фаолиятини берилган ваколатлар доирасида амалга оширишга мажбур.

75. Рухсатномасиз ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартиблар ва меъёрлар (квоталар) бузилган ҳолда тайёрланган ўсимлик дунёси объектлари қонунни бузувчилардан олиб қўйилади, кўрсатиб ўтилган қонун бузилишида айбдор бўлган шахслар эса ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун жавобгар бўладилар ва зарарни ундириш миқдорларини ҳисоблаш учун коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур Низомнинг 14 — 19-иловаларига мувофиқ ўсимлик дунёсига етказилган зарарни қоплаши шарт.

76. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рухсатномасиз ноқонуний равишда йиғилган, тайёрланган, шунингдек қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда ташиш, сотиш, унинг ҳудудидан олиб чиқишга уриниш вақтида ушланган ёки олиб қўйилган ўсимлик дунёси объектлари ҳамда уларнинг қисмлари қонунни бузувчилардан олиб қўйилади ва:

агар қонун бузилиши ва олиб қўйиш давлат ўрмон фонди ерлари бошқарувида бўлган ўрмон қўриқчилиги томонидан амалга оширилган бўлса — табиатни муҳофаза қилиш органига ёки ўрмон хўжалиги органига,

ёввойи ўсимликлар маҳсулотлари ноқонуний ғамланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари томонидан аниқланганда ва олиб қўйилганда — маҳсулотлар табиатни муҳофаза қилиш органларига топширилади.

77. Олиб қўйилган ёввойи ўсимликлардан, шунингдек уларнинг қисмларидан, ўсиш давридаги маҳсулларидан қуйидаги тарзда фойдаланилади:

тирик ўсимликлар Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтига сақлаш ва келгусида фойдаланиш учун ёки уларни сотиш ҳуқуқига эга бўлган савдо ташкилотларига шартномавий нархлар бўйича сотиш учун берилади;

жонсиз ўсимликлар ва уларнинг қисмлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, сотиш ҳуқуқига эга бўлган савдо ташкилотларига шартномавий нархлар бўйича сотиш учун берилади.

Товарни олиб қўйишдан бошлаб у топширилгунгача бўлган барча тартиботлар учун харажатлар товар эгаси томонидан тўланади.

78. Фойдаланувчилар томонидан қонунчилик талаблари бузилган тақдирда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатиб турилиши ёки тўхтатилиши мумкин. Табиий ўсимлик гуруҳларида қайта тиклаб бўлмайдиган ўзгаришлар хавфи пайдо бўлган тақдирда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилади.

79. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплаши шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов МИҚДОРЛАРИ

| Фойдаланиш объектлари | Ўсимликларни тайёрлаш учун рухсатнома қиймати | |
|---|---|---|
| | **юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун, энг кам ойлик иш ҳақига коэффициентларда** | **хорижий фуқаролар ва юридик шахслар учун, (АҚШ долларида)** |
| **А. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликлар турлари (битта пиёзбошчанинг ёки битта илдизнинг қиймати — ўсимлик мақомига кўра)** | | |
| Йўқолиб кетаётган турлар | 0,2 | 30 |
| Камёб турлар | 0,1 | 15 |
| Қисқараётган турлар | 0,02 | 3 |
| 1 кг уруғлик ва пиёзбошчалар — шу мақомдаги ўсимликлар қийматининг 10 баравари миқдорида | | |
| 1 кг илдиз, барглар ва шарбат (елим) — шу мақомдаги ўсимлик қийматининг 3 баравари миқдорида; | | |
| **Б. Қизил китобга киритилмаган ўсимликлар турлари, доривор ва озиқбоп ўсимликларнинг ёввойи турлари (қуруқ оғирлиги 1 кг) ҳамда тайёрлаш учун мўлжалланган ўсимликлар техник хом ашёси (ўрганиш вақтида пиёзбошчадан ташқари, елим, шарбат, маймунжон меваси, малина, смородина, чаканда, замбуруғ — ҳисоб хом ҳолда амалга оширилади)** | | |
| Зира (уруғи) | 0,035 | 1,8 |
| Родиола разнозубчатая (илдиз) | 0,022 | 1,2 |
| Ёввойи ҳолда ўсувчи мойчечак (тўпгул) | 0,015 | 1,1 |
| Оддий зирк (меваси), замбуруғ, яланғоч қизилмия, ковракнинг барча турлари Самарқанд бўзночи | 0,008 | 0,4 |
| Туркистон Аюгаси (живучка) | 0,007 | 0,3 |
| Дўлана (гули, меваси), қораандиз, кийикўт, илонпечак, каданопсис, икки уяли қичитқи ўт, лимон ўт, йирик япроқли алқор, Осиё ялпизи, очамбити, минг япроқли тоғ дасторбоши, катта баргизуб, дала қирқбўғини, доривор маврак, тиканли ковул, афсонак, Максимович равочи, наъматакнинг барча турлари, Анзура пиёзи | 0,005 | 0,3 |
| Арча (меваси), оддий исириқ, сув қалампири, қуш торон, майда гулли жамбил (тоғрайҳон), дағал қизилпойча, оққалдирмоқ, эрманнинг барча турлари, оддий мингяп- | 0,004 | 0,3 |



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



| **Фойдаланиш объектлари** | **Ўсимликларни тайёрлаш учун рухсатнома қиймати** | |
|---|---|---|
| | **юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун, энг кам ойлик иш ҳақига коэффициентларда** | **хорижий фуқаролар ва юридик шахслар учун, (АҚШ долларида)** |
| роқ, чебрец, уч бўғимли иттиканак, Туркистон арслонқуйруғи, оддий қамиш ($м^3$), шўравор цистанхе ва ўсимликларнинг бошқа турлари ҳамда уларнинг қисмлари | | |
| Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ботаника коллекцияларини (илмий, маданий-маърифий, таълим-тарбиявий ёки эстетик қийматга эга) яратиш учун ўсимликнинг бир донаси учун | 0,002 | 0,1 |
| Ўсимлик шарбати (елим) ва коврак барча турларининг (Қизил китобга киритилган турлар бундан мустасно) илдизи, уруғлигини олиш учун 1 кг хом ашё миқдори — шу мақомдаги ўсимлик қийматининг 5 баравари миқдорида | | |

Изоҳ: илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда Қизил китобга киритилмаган, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини ғамлаш (тўплаш)га тўлов мазкур тур учун белгиланган тўловнинг 0,2 % миқдорида ундирилади.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

## Давлат ўрмон фондидан ташқаридаги дарахтлар ва буталарни кесганлик учун тўлов МИҚДОРЛАРИ

| **Кесишга рухсат берилган дарахтларнинг 1,3 м баландлигидаги диаметри (см)** | **Битта дарахтни кесиш учун берилган рухсатнома қиймати миқдори (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига нисбатан коэффициентларда)** | |
|---|---|---|
| | **кам қимматли дарахтлар тури учун: сассиқдарахт, оқ акация, заранг дарахти, терак, тут, бошқа дарахт ва манзарали буталар** | **қимматли ёғочбоп дарахтлар: ёнғоқ, нок, гледичи, эман, ленкоран акацияси, қорақайин, қора арча, чинор, аччиқмия, туи, шумтол, лола дарахти, магнолия, форзиция ҳамда бошқа қимматли дарахтлар ва буталар** |
| 4 см гача | 0,1 | 0,2 |
| 4,1 — 8 | 0,2 | 0,3 |
| 8,1 — 12 | 0,3 | 0,5 |
| 12,1 — 16 | 0,5 | 0,8 |
| 16,1 — 20 | 0,9 | 1,2 |
| 20,1 — 24 | 1,3 | 1,5 |
| 24,1 — 28 | 1,5 | 2,2 |
| 28,1 — 32 | 2,0 | 2,8 |



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



| Кесишга рухсат берилган дарахтларнинг 1,3 м баландлигидаги диаметри (см) | Битта дарахтни кесиш учун берилган рухсатнома қиймати миқдори (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига нисбатан коэффициентларда) | |
|---|---|---|
| | кам қимматли дарахтлар тури учун: сассиқдарахт, оқ акация, заранг дарахти, терак, тут, бошқа дарахт ва манзарали буталар | қимматли ёғочбоп дарахтлар: ёнғоқ, нок, гледичи, эман, ленкоран акацияси, қорақайин, қора арча, чинор, аччиқмия, туи, шумтол, лола дарахти, магнолия, форзиция ҳамда бошқа қимматли дарахтлар ва буталар |
| 32,1 — 36 | 2,8 | 3,8 |
| 36,1 — 40 | 3,6 | 5,0 |
| 40,1 — 44 | 4,9 | 7,0 |
| 44,1 — 48 | 6,0 | 8,3 |
| 48,1 — 52 | 6,8 | 9,5 |
| 52,1 — 56 | 7,7 | 10,7 |
| 56,1 — 60 | 8,6 | 12,2 |
| 60,1 — 64 | 9,5 | 13,6 |
Ёввойи ҳайвонларни тутишга квоталар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Келгуси йил учун ёввойи ҳайвонларни тутишга квоталар табиатдан фойдаланувчилар томонидан жорий йилнинг 1 — 30 декабри мобайнида берган буюртманомалари асосида шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига келишиш учун юборилади. Табиатдан фойдаланувчиларнинг буюртманомаларига асосан 1 март — 30 апрель даврида ушбу ёввойи ҳайвонлар турлари захираларининг мавжудлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижобий хулосасига асосан уларни овлаш учун қўшимча квоталар ажратилиши мумкин.

Тасдиқланган квоталар, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий қўмиталарига йилнинг биринчи чораги мобайнида, шунингдек ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланувчиларга уларнинг буюртманомалари асосида етказилади.



WWW.LEX.UZ

13. Низом (устав)ларида ёввойи ҳайвонларни ушлаш, тайёрлаш, ов маҳсулотларини қайта ишлаш ҳуқуқи кўзда тутилган корхоналар (юридик шахслар) томонидан саноат мақсадидаги ов амалга оширилади.

14. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланганлик учун тўлов ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларни ёввойи ҳайвонларни ва уларнинг яшаш жойини муҳофаза қилиш тадбирларини бажаришдан, биотехника тадбирларини ўтказишдан озод этмайди. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш уларнинг режимига мувофиқ амалга оширилади.

## III. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби

### Умумий қоидалар

15. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома тегишли ваколатли органлар томонидан мазкур Низомнинг 2-6 иловаларидаги схемага мувофиқ берилади.

16. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилганлари учун рухсатномалар жорий йилга белгиланган квоталар доирасида берилади.

Ушбу талаб йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо тўғрисидаги Конвенция (CITES)нинг I, II ва III иловаларига кирувчи ҳайвонот турларини олиб кириш ва четга олиб чиқиш учун рухсатномага татбиқ этилмайди.

Питомникларда, ҳовуз хўжаликларида етиштирилган ва уларнинг ҳудудидаги ҳайвонларни тутиш учун рухсатнома талаб этилмайди.

17. Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

18. Қизил китобга киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвон турларини табиий муҳитдан ажратиб олишни келишиш учун Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдимнома киритади.

Тақдимномага Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган квота илова қилинади.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси киритилган тақдимномани 10 иш куни мобайнида келишади ва уни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг келишуви асосида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тегишли рухсатномаларни расмийлаштиради.

20. Рухсатномаларнинг амал қилиш муддати 31 декабрдан кеч бўлмаган муддатда тугайди.

Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари би-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



лан халқаро савдо тўғрисидаги Конвенция (CITES)нинг иловаларига киритилган ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ва зоология коллекцияларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва четга олиб чиқиш учун рухсатномаларнинг амал қилиш муддатлари Конвенция талабларига мувофиқ аниқланади.

21. Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш, шу жумладан олиб кириш ва четга олиб чиқиш учун рухсатномалар белгиланган намунадаги бланкаларда берилади, уларда ҳисобга олиш рақамлари, назорат маркалари ва бошқа ҳимояланганлик даражаси бўлади.

22. Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномалар мазкур Низомнинг 7 — 12 иловаларига мувофиқ шакллар бўйича берилади.

## Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

23. Ҳаракатларни бажаришда ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома беришга доир талаблар ва шартлар қуйидагилар ҳисобланади:

табиатдан фойдаланувчилар томонидан ҳаракатларни бажаришда ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда қонун талабларига мажбурий риоя этиш;

табиатдан фойдаланувчи — юридик шахснинг номи ёки жойлашган манзили (почта манзили) ўзгарган тақдирда, табиатдан фойдаланувчи — жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда қайта рўйхатдан ўтгандан кейин 7 иш куни мобайнида ваколатли органларни хабардор қилиш;

жадал суръатларда ҳайвонлардан фойдаланиш олиб борилаётган хўжаликлар ва ҳудудларда ҳайвонларнинг яшаш жойларини сақлаб қолиш учун биотехник ҳамда қайта тиклаш тадбирларини, шу жумладан ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишни экологик, санитария-гигиеник, бошқа меъёр ва қоидаларга қатъий риоя этиш бўйича ваколатли орган томонидан тасдиқланган ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини амалга ошириш;

рухсатномаларда кўрсатилган доирада ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амал ошириш;

олинган рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг фойдаланилгани (ҳайвонот дунёси объектларининг тутилган миқдори, вақти ва жойи) тўғрисида 10 иш куни мобайнида қисқа ҳисобот билан уни берган органга қайтариш;

рухсатномада кўрсатилган талабларга риоя қилиш;

рухсатномага ўз ихтиёри билан қандайдир қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тақиқланади;

рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва рухсатнома берилганлиги учун тўлов.

Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланишда давлат назора-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



тини амалга ошириш мақсадида ёввойи ҳайвонларни тутиш учун рухсатнома бошқа шахсларга бермаслик ҳуқуқи билан фақат ариза берувчига ёки унинг ишончли вакилига берилади.

Рухсатнома талабларига риоя қилган, ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш тадбирларини амалга оширган, ёввойи ҳайвонлар ва тутилганлари сони ҳисобини олиб борган юридик ва жисмоний шахслар тенг шароитларда ёввойи ҳайвонларни тутишга рухсатномалар олишда устувор ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

24. Рухсатнома олган шахс уни фойдаланиш учун бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга эмас, рухсатнома корхона раҳбари номига берилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ҳайвонларни тутиш учун берилган, амал қилиш муддати тугаган рухсатномалар фойдаланиб бўлингандан сўнг уни берган табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий органларига 10 иш куни давомида қайтарилади.

25. Ҳайвонот дунёси объектларини тутганлик учун тўлов ариза ваколатли органда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, амалдаги қонунчилик асосида 15 иш куни мобайнида ундирилади.

26. Ҳайвонот дунёси объектларини олиб кириш ва четга олиб чиқиш учун берилган рухсатномалардан фойдаланилмаган ёки қисман фойдаланилган бўлса божхона органларининг белгиси билан олинган жойига қайтарилади. Табиатдан фойдаланувчининг аризасига кўра четга олиб чиқилмаган (олиб кирилмаган) ҳайвонот дунёси объектларининг сони учун янги рухсатнома берилиши мумкин. Агар аввал берилган рухсатнома энг кам ойлик иш ҳақи ўзгаргунгача расмийлаштирилган бўлса, бундай ҳолларда нархлардаги тафовут қўшимча равишда тўланади.

27. Ҳайвонот дунёси объектларини четга олиб чиқишда божхона расмийлаштируви Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилган рухсатнома асосида амалга оширилади, ушбу объектлар давлат чегарасидан олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан керакли белги қўйилади.

28. Ҳайвонот дунёси объектларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун тўловлар миқдори мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ ҳисобланади.

## Рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олиш тартиби

29. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ҳайвон турларини табиий муҳитдан ажратиб олишга рухсатномалар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, табиатдан фойдаланувчиларнинг аризасида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, уни реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



ҳайвонларни тутишни амалга оширувчи шахс овчилик гувоҳномасининг тартиб рақами, ўқ отар қуролни олиб юриш ва сақлашга ички ишлар органлари рухсатномасининг тартиб рақами (агар отиш кўзда тутилса);

ҳайвонларни тутишнинг мақсади;

балиқ ва бошқа сув организмларини тутишда — тутиш қуроллари (тўрлар, ёйма тўрлар ва бошқалар, уларнинг сони, катакларнинг ўлчами), сузиш воситалари (катерлар, қайиқлар, моторлар ва бошқалар);

ҳайвонларни тутиш муддатлари;

ҳайвонларни тутиш жойи (вилоят, туман);

тутиш усули (тутиш, отиш);

тутилган тирик ҳайвонлар учун муқим ёки вақтинчалик ушлаб туриш шароитлари.

Ҳайвонларни саноат мақсадида тутиш ҳолларида, агар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ҳайвонларни, уларнинг қисмларини, яшаш фаолияти маҳсулотларини олиб чиқиш мўлжалланаётган бўлса, аризага етказиб бериш шартномалари (шартнома) нусхаси илова қилинади. Шартнома, агар унинг бўйича бир неча маротаба рухсатнома олинса ҳам, бир маротаба тақдим этилади. Бундай ҳолатларда аризада ушбу шартномага ҳавола қилинади.

30. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан олишга рухсатномалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг розилигига биноан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, табиатдан фойдаланувчиларнинг аризасида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;

ҳайвонларни тутишни амалга оширувчи шахс овчилик гувоҳномасининг тартиб рақами;

ҳайвонларни тутишнинг мақсади;

балиқ ва бошқа сув организмларини тутишда — тутиш қуроллари (тўрлар, ёйма тўрлар ва бошқалар, уларнинг сони, катаклар ўлчами), сузиш воситалари (катерлар, қайиқлар, моторлар ва бошқалар);

ҳайвонларни тутиш муддатлари;

ҳайвонларни тутиш жойи (вилоят, туман);

тутиш усули (тутиш, отиш).

31. Ёввойи ҳайвонларни, уларнинг қисмларини, шунингдек яшаш фаолияти маҳсулотларини олиб кириш ва четга олиб чиқишга Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, табиатдан фойдаланувчиларнинг аризасида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



турлари бўйича четга олиб чиқиладиган ёки олиб кириладиган ҳайвонларнинг (уларнинг қисмлари, ўлжалари, тулумлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ва ҳоказо) сони. Зоология коллекцияларини четга олиб чиқишда экспонатлар ҳар бир турининг нусхалари сони кўрсатилади;

четга олиб чиқиш (мамлакати) ёки олиб кириш жойи;

четга олиб чиқиш учун асос — ҳайвоннинг қонуний сотиб олинганлигини ёки тутилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қонуний тутишга рухсатноманинг тартиб рақами), зоология коллекциясининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат органларида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Ҳар бир гуруҳ намуналари учун алоҳида рухсатномалар берилади. Рухсатноманинг асл нусхаси намунаси билан бирга бўлади (ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, яшаш фаолияти маҳсулотлари, ўлжаси, тулумлари ва бошқалар билан).

32. Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлашга рухсатнома Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, табиатдан фойдаланувчининг аризасида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;

ҳайвонларни сақлашнинг мақсади;

аҳоли пунктларида ёввойи ҳайвонларни сақлаш қоидаларига, Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо тўғрисидаги Конвенция (CITES)нинг талабларига мувофиқ ҳайвонларни сақлаш шароитлари;

турлари бўйича ҳайвонлар сони;

ҳайвонларнинг келиб чиқиши.

33. Ёввойи ҳайвонларни сақлаш ва урчитиш бўйича питомникларнинг, шунингдек зоология коллекцияларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, табиатдан фойдаланувчининг аризасида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;

жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили, (телефон рақами) ва паспортидан нусха;

ҳайвонот дунёси объектларини (кейинчалик табиатга қўйиб юбориш учун урчитиш, илмий тадқиқотлар, тижорат мақсадлари ва бошқалар) ёки коллекцияларни сақлашнинг мақсади;

турлари (кичик турлари, агар дурагай бўлса — ота-оналарининг турлари кўрсатилади) бўйича сони кўрсатилган тирик ҳолдаги ҳайвонларнинг, ҳайвонот дунёси объектлари коллекцияларининг рўйхати;

коллекция препаратларини консервациялаш тури (нам препаратлар, таналар, тулумлар ва бошқалар);



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



ҳайвонот дунёси объектлари ва коллекцияларининг келиб чиқиши (сотиб олиниши);

питомникда ҳайвонларнинг қайси авлоди мавжудлиги;

ҳайвонларни сақлаш шароитлари (қафасда, темир панжарали жойда, эркин ва ҳоказо);

ҳайвонлар белгисининг мавжудлиги (тавсифлаш, тартиб рақамини кўрсатиш);

ветеринария хизматининг мавжудлиги.

34. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

35. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тегишли ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол тадбиркорлик субъектига берилади.

## Рухсатнома беришга аризани кўриб чиқиш ва рухсатнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

36. Ариза ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 15 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

37. Ҳайвонот дунёси объектларини тутишга рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва рухсатнома берилганлиги учун ҳар сафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақига 0,1 нисбатан коэффициент миқдорида, табиатдан фойдаланувчилар — юридик шахслардан 0,2 коэффициент миқдорида ва хорижий фуқаролардан — 10 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

38. Ёввойи ҳайвонларни, уларнинг қисмларини олиб кириш ва четга олиб чиқишга рухсатномалар бериш учун аризаларни кўриб чиқишда ва рухсатномаларни беришда ҳар сафар:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан 0,1 коэффициент миқдорида;

табиатдан фойдаланувчилар — юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан 0,2 коэффициент миқдорида;

хорижий фуқаролардан — CITES рухсатномаси учун 50 АҚШ доллари ва бошқа рухсатнома учун — 10 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

39. Йиғим суммаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Давбионазорат»инининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



40. Ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда «бир дарча» орқали амалга оширилади, бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни табиатдан фойдаланувчининг иштирокисиз, мустақил равишда олади.

41. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонлар сонини аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хулосасини олиш зарур бўлганда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фанлар академиясига қуйидагилар кўрсатилган ҳолда хат билан мурожаат қилади:

ҳайвон тури;

хулоса олишдан мақсад;

тутиш ҳудуди (жойи).

42. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан хатни кўриб чиқиш муддати — ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб кўпи билан 5 иш куни.

43. Фанлар академиясидан ижобий жавоб олинганда рухсатнома бериш масаласини келишишни сўраб Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Фанлар академиясининг хулосасини илова қилган ҳолда мурожаат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг розилиги олинганда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, ёввойи ҳайвонларни тутиш учун тўловлар тўлангандан сўнг, табиатдан фойдаланувчига рухсатнома беради.

44. Ваколатли орган қарор қабул қилиш учун табиатдан фойдаланувчилар томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида, мустақил равишда ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўрганишлар, тадқиқ қилишлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Бунда кўриб чиқиш муддати 30 кунгача узайтирилади.

45. Ваколатли орган қарор қабул қилгандан сўнг бир иш кунидан кечиктирмай, табиатдан фойдаланувчиларга рухсатнома беради (юборади) ёки рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисида уларни ёзма шаклда хабардор қилади.

46. Аризачиларга рухсатнома дафтарга ёки рухсатнома нусхасига имзо қўйдириб берилади.

47. Рухсатнома бериш қуйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

рухсатнома берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг табиатдан фойдаланувчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

табиатдан фойдаланувчининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



табиатдан фойдаланувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ҳайвонот дунёси объектларини тутиш, уларни ушлаб туриш (сақлаш), транспортда ташишни ўрганишлар, тадқиқ қилишлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг якунлари бўйича асосланган салбий хулоса олинганлиги.

48. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, рад этиш ҳақидаги хабарнома табиатдан фойдаланувчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва табиатдан фойдаланувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Табиатдан фойдаланувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

49. Табиатдан фойдаланувчи рухсатномани беришнинг рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, рухсатномани бериш ёки уни беришни рад этиш табиатдан фойдаланувчининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

50. Аризани такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ариза берувчига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларининг ваколатли орган томонидан келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

51. Рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин табиатдан фойдаланувчи томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

52. Табиатдан фойдаланувчи рухсатномани бериш рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## Рухсатномаларни қайта расмийлаштириш ва уларнинг дубликатларини бериш

53. Табиатдан фойдаланувчи — юридик шахс ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, табиатдан фойдаланувчи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин 7 иш куни мобайнида ваколатли органга рухсатномани қайта расмийлаштириш



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



тўғрисидаги аризани, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

54. Жисмоний шахс бўлган табиатдан фойдаланувчининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, табиатдан фойдаланувчи қайта рўйхатдан ўтгандан кейин 7 иш куни мобайнида ваколатли органга рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

55. Ҳужжатлар табиатдан фойдаланувчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар табиатдан фойдаланувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

56. Рухсатнома қайта расмийлаштирилгунга қадар, рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган табиатдан фойдаланувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида ваколатли органнинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажаради ёки амалга оширади.

57. Рухсатнома қайта расмийлаштирилганда ваколатли орган берилган рухсатномалар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Рухсатномани қайта расмийлаштириш ва бериш рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ваколатли орган томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

58. Рухсатномани қайта расмийлаштирганлик учун табиатдан фойдаланувчининг рухсатномани бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза топширилган санада тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Давбионазорат»инининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Олинган маблағлар моддий-техника билан таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига сарфланади.

59. Рухсатнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда табиатдан фойдаланувчининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

60. Ваколатли орган ариза, шунингдек ҳужжат яроқсиз ҳолга келган тақдирда, рухсатноманинг асл нусхаси ҳамда рухсатноманинг дубликати берилганлиги учун табиатдан фойдаланувчи томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда рухсатноманинг дубликатини бериши (юбориши) шарт. Рухсатноманинг дубликатини берганлик учун табиатдан фойдаланувчининг рухсатномани бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун, дубликатни бериш ҳақидаги ариза топширилган санада



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ваколатли органларнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

### Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

61. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ҳамда уни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

62. Қуйидагилар рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир маротаба қўпол равишда бузганлик учун рухсатноманинг амал қилиши тўхтатилишига асос бўлади:

ваколатли органнинг рухсат беришга доир талаблар ва шартларнинг бажарилишини белгиланган тартибда текширишидан бош тортилса;

рухсатнома бериш натижасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёки ҳайвонот дунёси объектларига ҳамда уларнинг яшаш муҳитига ҳақиқатда хавф солса, рухсатномада кўрсатилган ҳолатлар (тутиш ва бошқалар) бундан мустасно;

табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги меъёрлари ва рухсатнома талаблари бузилса;

рухсатнома олиш учун қалбаки ҳужжатлар тақдим этилса ёки ҳайвонларни сақлаш шароитлари мавжуд бўлмаса.

### Берилган рухсатномалар реестри

63. Ваколатли органлар берилган рухсатномаларнинг реестрларини юритади ва уларни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

64. Берилган рухсатномалар реестрида табиатдан фойдаланувчилар тўғрисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

табиатдан фойдаланувчилар — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;

табиатдан фойдаланувчилар — жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

рухсатноманинг берилган санаси ва рақами;

рухсатноманинг амал қилиш муддати;

рухсатномани қайта расмийлаштириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асослари ва санаси;

рухсатноманинг амал қилиш муддатини тўхтатиш асослари ва санаси;

рухсатномани бекор қилишнинг асослари ва санаси;

рухсатнома дубликатини беришнинг асослари ва санаси;

65. Берилган рухсатномалар реестрларидаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



## IV. Хорижий фуқаролар томонидан ов қилиш тартиби

66. Ёввойи ҳайвонларни овлаш учун Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий фуқароларга фойдаланиш ҳуқуқи Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг рухсатномаси асосида қуйидаги тартибда берилади:

хорижий фуқароларнинг ов қилиш ва балиқ овлаш учун Ўзбекистон Республикасига келиши, бу ерда бўлиши ва Ўзбекистон Республикасидан кетиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

ов қилиш учун буюртманома, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш учун тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат хорижий фуқароларга рухсатнома бериш учун асос ҳисобланади, хорижий фуқаронинг ўзи ёки унинг манфаатларини ифодаловчи шахс томонидан жўнатиладиган мазкур буюртманомада овланадиган ҳайвонлар турлари ва ов қилиш муддатлари кўрсатилади;

овлаш учун ов қуролидан фойдаланувчи хорижий фуқаро қуроллар ва уларга ўқ-дориларни республикага олиб кириш учун Ички ишлар вазирлигининг рухсатномасини олиши зарур.

67. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ҳайвонот дунёси объектларининг айрим турларини овлаш учун Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий фуқароларга фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида берилади.

68. Хорижий фуқароларнинг ов қилиши Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси назорати остида амалга оширилади.

69. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш учун тўловлар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ ундирилади. Рухсатномалар мазкур тўловлар тўлангандан кейин берилади. Ёввойи ҳайвонларни овлаганлик учун тўловлардан тушган маблағлар белгиланган тартибда сарфланади.

70. Овлаш вақтида яраланган ҳайвонлар овланган ҳайвонларга тенглаштирилади.

71. Мавсумдан қатъи назар, хорижий фуқаролар иштирокида овчилик тадбирлари ўтказилганда тадбир давомида ҳафтанинг барча кунларида ов қилишга рухсат берилади.

72. Овланган ҳайвонларни, уларнинг қисмларини, ўлжаларини ва шу кабиларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетишга рухсатнома ҳайвонот дунёсидан фойдаланишга рухсатнома ҳамда табиатни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли давлат инспектори ва овчи томонидан имзоланган овланган ҳайвонлар тўғрисидаги далолатнома асосида берилади.

## V. Овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш

### Умумий қоидалар

73. Овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш — ов хўжаликларида ёввойи ҳайвонларни қўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланишни, муҳофа-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



за қилиш ва кўпайтириш тадбирлари билан боғлиқ хўжалик фаолиятини илмий асосланган режалаштириш асосида амалга оширишдир.

Овчиликдан фойдаланувчилар — спорт-ҳаваскорлик ва саноат овига ҳамда балиқ овлашга, овчилик хўжалигини юритишни амалга оширишга қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳуқуқ берилган жисмоний ва юридик шахслардир.

74. Овчилик ва балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш, ушбу ерларда ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш, овчилик ва балиқчилик ерлари маҳсулдорлигини ошириш, ҳайвонларни етиштириш ва сонини кўпайтириш мақсадида хўжалик ва қўриқлашга доир тадбирларни ўтказишдир.

Овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш мазкур Низом ва Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари асосида амалга оширилади.

75. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари, шу жумладан тутиш нормалари, ов қилиш (тутиш) қуролларига қўйиладиган талаблар, тутиш муддатлари, ов қилиш ёки балиқ овлаш тақиқланган жойларни аниқлаш тартиби, шунингдек ов қилиш ва балиқ овлаш билан боғлиқ бошқа масалалар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, манфаатдор юридик шахслар билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

76. Овчилик ва балиқчилик мақсадида табиий яшаш муҳитига қўйиб юборилган, шунингдек табиий шароитда эркинликда яшаётган ёввойи ҳайвонлар давлат овчилик-балиқчилик фондини (кейинги ўринларда давлат ов фонди деб аталади) ташкил қилади.

Қонуний асосда тутқунликда ушлаб турилган ёввойи ҳайвонлар давлат ов фондига тааллуқли эмас.

Давлат ов фонди хусусийлаштирилиши ва бошқа мулк шаклига ўтказилиши мумкин бўлмаган ягона ва бўлинмас комплекс ҳисобланади.

77. Барча ерлар, сувлар ва ўрмонлар ёввойи ҳайвонларнинг яшаш ва жойлашиш ҳудудлари ҳисобланади.

Спорт-ҳаваскорлик, саноат мақсадида овлаш ва балиқ овлашга рухсат берилган жойлар ов қилинадиган ва балиқ тутиладиган ҳудудлар (кейинги ўринларда овчилик ҳудудлари деб аталади) ҳисобланади.

78. Овчилик ва балиқчилик хўжаликлари (кейинги ўринларда овчилик хўжаликлари деб аталади) қуйидагиларга бўлинади:

давлат ташкилотлари ихтиёрида бўладиган ҳамда овчилик ва балиқчилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашга мўлжалланган давлат хўжаликлари;

овчилик фаолияти ўрмон хўжалиги билан қўшиб олиб бориладиган ўрмон-овчилик давлат хўжаликлари;

жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат тузилмалар томонидан ташкил этиладиган, шахсий эҳтиёжларни қондириш мақсадида жисмоний шахслар томонидан спорт-ҳаваскорлик ови ва балиқ овлаш учун спорт-ҳаваскорлик хўжаликлари;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган хусусий овчилик-баликчилик хўжаликлари.

79. Қуйидагилар спорт, ҳаваскорлик, саноат мақсадларида овчилик қилиш тақиқланган жойлар ҳисобланади:

аҳоли пунктлари ерлари;

соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий мақсадлардаги ерлар;

муҳофаза этиладиган ҳудудлар — агар уларнинг режимида ов қилиш белгиланмаган бўлса, шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар;

корхоналар атрофидаги санитария-ҳимоя зоналари;

сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари;

аэродромлар;

чегара зоналари;

ҳосили йиғиштириб олингунгача — қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлар;

тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклар, балиқ питомниклари, ҳовуз ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари ерлари, агар ушбу объектларни қўриқлаш режимида ов қилиш ва балиқ овлашни тақиқлаш белгиланган бўлса.

## Овчилик хўжалигини юритувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

80. Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи овдан фойдаланувчиларга ваколатли органлар:

тасарруфида бўлган ўрмон фонди ерларида, табиатни муҳофаза қилиш органларига ахборот тақдим этилган ҳолда — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан;

бошқа ҳудудларда — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

81. Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи (овчилик ҳудудларини бириктириш) овчилик хўжаликларини юритувчи ташкилот ва ваколатли органлар ўртасида тузилган шартнома билан расмийлаштирилади.

Шартнома унга мувофиқ ҳайвонот дунёсидан фойдаланиладиган ҳамда овчилик хўжалиги юритиладиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Шартнома 10 йилгача муддатга тузилади.

82. Намунавий шартнома шакли ов ҳудудларида овчилик хўжаликларини юритиш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан ишлаб чиқилади ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

83. Шартномада:

овчилик хўжалигининг номи;

юридик шахсларнинг номи ва реквизитлари;

жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва паспорти маълумотлари;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



шартноманинг амал қилиш муддати;

овчилик хўжалигининг майдони ва чегаралари, жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан биотоплар бўйича — тоғлар, чўллар, ўрмон ёки сув мавжудлиги;

шартнома тузиш вақтидаги овланадиган ҳайвонлар тури ва сони тўғрисидаги маълумотлар;

ов қилиш учун ёпилган қайта етиштириш жойи тавсифи (умумий овчилик хўжалиги майдонининг камида 10 фоизи);

ёввойи ҳайвонларни ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолиш, тутилган ҳайвонлар сонини ва ҳайвонлар сонини мунтазам ҳисобга олиб бориш тадбирларининг ўтказилиши, шартнома тузган шахснинг мажбурияти;

шартнома тузган юридик шахсга қонунчиликда белгиланган тартибда ёввойи ҳайвонларни тутиш ҳуқуқини берган ваколатли органнинг мажбурияти;

шартнома талабларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарлиги;

кордонлар, иншоотлар ва объектлар, қайта етиштириш жойининг жойлашуви, айланма йўллар ва чегаралари кўрсатилган овчилик хўжалигининг чизма харитаси;

қонунчиликда кўрсатилган бошқа шартлар.

84. Қуйидагилар овдан фойдаланувчиларга овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқини бериш учун асос ҳисобланади:

хўжаликни ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан асосланган (муҳофаза қилиш ва урчитиш тадбирларини олиб боришга харажатлар ҳажми, ҳайвонлар сони ва уларни тутиш ҳисобини юритиш) ва ҳудуд тавсифланган ариза;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва унинг филиаллари ёки олий ўқув юртларининг биолог мутахассислари томонидан ўтказилган ёввойи ҳайвонлар сони ҳисобини юритиш материаллари ва ҳудудларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборот;

ҳудудида овчилик хўжалиги ташкил этиш режалаштирилаётган ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг розилиги.

85. Аккредитация қилинган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган хорижий юридик шахслар умумий асосларда овчилик хўжаликлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

86. Овчилик хўжалиги юритиш ҳуқуқини бериш ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилардан ерни олиб қўймасдан амалга оширилади. Зарурият бўлганда, ер ажратиш масаласи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

87. Овчиликдан фойдаланувчининг мажбуриятлари:

табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этиш;

фойдаланишга олинган ов ҳудудларидаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш;

ёввойи ҳайвонларни сақлаш ва уларнинг сонини кўпайтиришга, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолишга, бошқа биотехника тадбирларига йўналтирилган илмий асосланган тадбирлар ўтказиш;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



белгиланган методикаларга мувофиқ, махсус тайёрланган ва ўқитилган одамлар кучи билан, табиатни муҳофаза қилиш органлари иштирокида ёввойи ҳайвонлар сони ҳисобини ўз вақтида олиб бориш;

тутиладиган ёввойи ҳайвонлар ҳисобини юритиш;

ёввойи ҳайвонларнинг нобуд бўлишига (ов қилиш ва балиқ овлаш ҳолатларидан ташқари) ва ер майдонларининг ёмонлашувига йўл қўймайдиган усуллар билан овчилик хўжалигини юритиш;

овчилик хўжаликларини чегара тўсиқлари, аншлаглар ва кўрсаткичлар, хўжалик тўғрисида тўлиқ ахборот берилган харита-схема билан таъминлаш;

ёнғин хавфсизлиги чораларига риоя этиш;

овчилик ва балиқчилик амалга оширилишини назорат қилиш — овчилар ва балиқчиларда зарур ҳужжатларнинг мавжудлигини ҳамда улар томонидан Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларига риоя қилинишини текшириш;

овчилик хўжалигини юритиш билан боғлиқ ахборотларни ҳар йили табиатни муҳофаза қилиш органларига ўз вақтида тақдим этиш;

ўз зиммасига олинган шартномавий мажбуриятларни бажариш;

ёввойи ҳайвонларни рухсатсиз иқлимлаштиришга, кўчиришга ва урчитишга йўл қўймаслик;

табиатни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг овланган ҳайвонлар ва қайта ишланган маҳсулотлар сақланаётган объектлар ва ов ҳудудлари ҳолатини ўрганишига қаршиликсиз рухсат бериш.

88. Овчиликдан фойдаланувчилар ўз ваколатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жисмоний шахсларга ёввойи ҳайвонларни тутиш рухсатномаси доирасида ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишга рухсатнома (йўлланма, ҳайвонларни тутиш варақаси) бериш;

ёввойи ҳайвонларни тутиш рухсатномалари доирасида ўзларига бириктирилган овчилик хўжаликлари ҳудудларида саноат мақсадларида ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

берилган рухсатномага мувофиқ, тутилган овчилик ва балиқчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда санитария ва экология талабларига риоя қилган ҳолда ҳайвонот дунёси объектларидан буюмлар ишлаб чиқариш;

ов қилиш ва балиқ овлаш маҳсулотларини, уларни тутишнинг қонунийлигини ёки сотиб олинишини, маҳсулотнинг сифат сертификатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, ҳокимликлар томонидан махсус ажратилган жойларда сотиш;

ёввойи ҳайвонларни табиатга интродукциялаш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун кўпайтириш;

питомник ва фермаларда сунъий равишда ўстирилган ёввойи ҳайвонлардан фойдаланишда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиш;

браконьерликка қарши курашиш бўйича тезкор рейдларда шу жумла-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



дан табиатни муҳофаза қилиш органлари, ички ишлар органлари ва бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда иштирок этиш;

табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузган ҳуқуқбузарларга нисбатан далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар тузиш, уларни табиатни муҳофаза қилиш органларига топшириш;

ов ва балиқ овлаш қоидалари бўйича табиатни муҳофаза қилиш органларига таклифлар тақдим этиш.

89. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш (овчилик хўжалигини юритиш) ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечилганда;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган муддати тугаганда;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилганда;

тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилганда;

тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс вафот этганда, унинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилганда;

ҳайвонот дунёсидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи ўзбошимчалик билан бошқаларга берилганда.

90. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бузилишига йўл қўйишмаган овчиликдан фойдаланувчилар овчилик хўжалигини юритишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг ундан кейинчалик фойдаланишда устувор ҳуқуқларга эга бўлади.

## Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ёввойи ҳайвонларни қайта кўпайтириш

91. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш — ҳайвонот дунёси объектлари ҳудудларини, турлари ва популяцияси яхлитлигини, сонини, уларни йўқ бўлиб кетишининг ва уларга бошқача зарарли таъсирларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

92. Ҳайвонот дунёси объектларини ва яшаш муҳитини муҳофаза қилиш егерлик ва ўрмон қўриқчилиги, давлат инспекторлари, муҳофаза этиладиган ҳудудлар қўриқчилиги, давлат овчилик ва ўрмон-овчилик хўжаликлари қўриқчилиги, овчилик-балиқ овлаш хўжаликларининг егерлик хизматлари, ердан фойдаланувчилар ва ер эгалари (уларга бириктирилган ҳудудларда) томонидан амалга оширилади.

93. Ёввойи ҳайвонларни қайта кўпайтириш (кейинги ўринларда қайта кўпайтириш деб аталади) қуйидаги усулларда амалга оширилади:

ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишни ва уларнинг муҳофазасини назорат қилиш;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



муайян турдаги ҳайвонлар сони кўпайишини сунъий таъминлаб туриш;

ҳайвонларнинг муайян гуруҳларини ёки уларнинг популяцияларини сақлаб туришни илмий асосланган ҳолда бошқариш.

94. Ҳайвонларни қайта кўпайтириш қуйидаги табиий ва сунъий усуллар билан амалга оширилади:

табиий усул — ёввойи ҳайвонларни яшаш жойларида тутишни тақиқлаш ёки чеклаш, уларнинг муҳофазасини назорат қилиш;

сунъий усул — ёввойи ҳайвонларнинг янги турларини интродукция ва реинтродукция қилиш, кўпайтириш учун питомниклар ташкил этиш.

## Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлаш ва кўпайтириш

95. Тутқунликда сақлаш — бунда ёввойи ҳайвонларга улар тор (тўсилган) жойда яшайдиган шароитлар (қафасда, темир панжарали жойда, боғланган ҳолда сақлаш ва ҳоказо) яратилади ва уларнинг яшаш жараёни инсонга тўлиқ боғлиқ бўлади.

Аҳоли пунктларида ёввойи ҳайвонларни сақлаш тартиби Аҳоли пунктларида ёввойи ҳайвонларни сақлаш қоидалари билан тартибга солинади.

96. Ярим тутқунликда сақлаш — бунда ёввойи ҳайвонларга шароит яратилади, яъни улар тўсилган ҳудудда яшайди, эркин ҳаракатланади ва барча яшаш жараёнларини амалга оширади, аксарият ҳолларда табиий озуқалар билан озиқланади ва умрининг кўп қисмини инсон аралашувисиз ўтказади.

97. Ёввойи ҳайвонларни ярим тутқун ҳолда сақлаш ёки уларни сунъий ташкил этилган яшаш муҳитида сақлаш ва уларнинг сонини кўпайтириш ҳамда табиий яшаш муҳитига интродукция қилиш ёки қонунчиликка мувофиқ равишда сотиш мақсадида амалга оширилади.

98. Тутқунликда ёки ярим тутқун шароитда сақланаётган ёки сақланиши кўзда тутилаётган барча ёввойи ҳайвонлар қонунчиликка мувофиқ равишда сотиб олинган бўлиши керак.

99. Бошқа мамлакатлардан Ўзбекистонга олиб келинган, табиатда тутилган (овланган), зоология дўконларидан, зоопарклардан сотиб олинган, ов ёки балиқ овлашда ва бошқа ҳолларда тутилганлиги учун ҳужжатлар мавжуд бўлса ёввойи ҳайвонлар қонунчиликка мувофиқ равишда сотиб олинган, деб ҳисобланади.

Белгиланган тартибда берилган ов ва балиқ тутишга рухсатнома, Ўзбекистон ҳудудига ҳайвонларни олиб киришга рухсатнома, касса чеклари, йўл варақалари ва бошқалар ёввойи ҳайвонларни қонунга мувофиқ сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши мумкин.

100. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни ҳамда заҳарли ҳайвонларни тутқунликда ва ярим тутқунликда сақлашга фақат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда ташкил этиладиган махсус питомникларда йўл қўйилади.

101. Ёввойи ҳайвонларни сақлаш ва кўпайтириш бўйича питомниклар, шу жумладан ярим тутқун шароитда, шунингдек Йўқ бўлиб кетиш хавфи



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо тўғрисидаги Конвенция (CITES)нинг объекти бўлган ҳайвонлар табиатни муҳофаза қилиш органларида давлат ҳисобига олинади. Ёввойи ҳайвонларни сақлаш ва кўпайтириш бўйича питомникларни рўйхатга олиш гувоҳномаси питомникнинг давлат ҳисобига олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланади.

102. Ёввойи ҳайвонлардан ва питомникларда ўстирилган, CITES Конвенциясининг иловаларига кирадиган ҳайвонлардан фойдаланишга қонун ҳужжатларига ва Конвенция низомларига мувофиқ йўл қўйилади.

103. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг рухсатномасисиз тутқунликда ва питомникларда сақланаётган ҳайвонларни ўзбошимчалик билан табиатга чиқариб юбориш тақиқланади.

Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда ёки питомникда сақлашга рухсатнома берилган шахслар ҳар йили 1 январгача, рухсатнома берган органларга ҳайвонларнинг сони, тур таркиби ва ҳолати тўғрисида ахборот бериши шарт.

## Зоология коллекцияларини ташкил этиш

104. Коллекция — бу консервация қилинган ва тирик зоология объектларини туркумлашган йиғиндисидир. Коллекция тирик ҳайвонлардан (ҳайвонот боғлари, жонли бурчаклар ва ҳоказо) — ҳайвонларнинг тулумлари, таналари, терилари, скелетлари, уялари, тухумлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, нам препаратлар, овчилик ўлжалари ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган объектларнинг туркумлаштирилмаган ҳолда тўпланишига ҳар қандай турдаги коллекция сифатида қаралади.

Туркумлаштирмаган ҳолда тўплаш — бу ишлов берилмаган, коллекциянинг тартиб рақамига, аниқ илмий номига ва тўплаш (сотиб олиш) жойига эга бўлмаган тўпланган намуналардир.

105. Ёввойи ҳайвонларни табиатдан ажратиб олиш йўли билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан зоология коллекциялари (кейинги ўринларда коллекция деб аталади) ташкил этилишига ва уларнинг тўлдирилишига фақат Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича йўл қўйилади ва улар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, мажбурий тартибда давлат ҳисобидан ўтказилади.

Ота-оналари — ҳисобдан ўтказилган коллекцияда бўлган ҳайвонлар авлодлари билан коллекцияларни тўлдириш учун рухсатнома талаб этилмайди. Бунда ушбу авлод келиб чиқишига тааллуқли ҳужжатларни кўрсатган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишга буюртманома берилган бўлиши керак.

106. Зоология коллекцияларини давлат ҳисобига олиш ҳақидаги гувоҳнома коллекцияларни давлат ҳисобига қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланади.

107. Гувоҳнома берилган шахслар ҳар йили 1 январгача, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига Зоология коллекциялари реестрига киритиш учун, коллекциянинг тур таркиби ва миқдори ўзгаришини кўрсатган ҳолда ахборот бериши шарт.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



108. Ўзбекистон Республикаси ташқарисига коллекцияларни турли мақсадларда экспорт қилиш, белгиланган тартибда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси рухсатномалари асосида амалга оширилади.

109. Коллекция эгалари қуйидагиларга мажбур:

экспонатлар таркибини белгиланган тартибга мувофиқ сақлаш учун шароит яратиш;

экспонатларни сақлашда ва ташишда уларнинг бузилишига йўл қўймаслик;

коллекция экспонатлари ҳисобини юритиш;

тирик экспонатларни сақлаш учун шароит яратиш (белгиланган рационга мувофиқ овқатлантириш, ветеринария кўриги, яшаши учун зарур майдон, ҳайвонларнинг саломатлигига зарар етишига йўл қўймаслик).

Коллекцияларнинг тўғри сақланиши учун жавобгарлик уларнинг эгаларига юкланади.

110. Қонунчилик талабларини бузган коллекция эгалари мажбурий равишда жавобгарликка тортилади.

111. Коллекция эгалари томонидан мазкур Низом талабларига амал қилиниши юзасидан назоратни табиатни муҳофаза қилиш органлари олиб боради, экспертлар (Фанлар академиясидан, олий ўқув юртларидан ёки биологик йўналишдаги ташкилотлардан) билан ҳамкорликда коллекцияларнинг ҳолатини баҳолайдилар, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганларни маъмурий жавобгарликка тортадилар, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлардан фойдаланадилар.

## VI. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишни назорат қилиш

112. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни қайта кўпайтириш, муҳофаза қилиш юзасидан давлат назорати — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, қонунчиликка мувофиқ, белгиланган тартибда амалга оширилади.

113. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни қайта кўпайтириш, муҳофаза қилиш юзасидан идоравий назорат — тасарруфида овчилик ва балиқ овлаш хўжаликлари мавжуд бўлган давлат органлари томонидан, уларга бириктирилган ҳудудларда амалга оширилади.

114. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни қайта кўпайтириш, муҳофаза қилиш юзасидан жамоатчилик назорати — жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

115. Ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта кўпайтириш, белгиланган муддатларга, меъёрларга ва бошқа қоидаларга фойдаланувчилар томонидан риоя қилиниши давлат назорат органлари томонидан текширилади.

116. Ҳайвонот дунёси объектлари ва уларнинг яшаш муҳитини муҳо-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



фаза қилиш овдан фойдаланувчилар томонидан, уларга бириктирилган ҳудудларда, ўрмон қўриқчилиги, ўрмон-овчилик хўжаликлари қўриқчилиги, қўриқхоналар ва табиат боғи давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади.

117. Табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўғринча овлашни ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш нормалари ва қарорлари бошқача тарзда бузилишини аниқлаш мақсадида ёввойи ҳайвонлар яшайдиган ҳудудни, идоравий бўйсунувидан қатъи назар, қаршиликсиз бориб кўриш;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни текшириш, тайёрланган овчилик-балиқчилик маҳсулотларини, ўрмончиларнинг ва ёлланган овчиларнинг қоровулхонасини, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг қоровулхоналари ва биноларини, омборлар ва бошқа иморатларни текшириш, шунингдек транспорт воситаларининг барча турларини кўздан кечириш ва ушлаб туриш;

ихтиёрида қурол, овчилик-балиқчилик маҳсулотларини овлаш ва балиқ овлаш қуроллари, овловчи қушлар ва овчи итлар бўлган барча шахслардан ов қилиш ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш учун берилган ҳужжатларни кўрсатишни, улар томонидан ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши муносабати билан ёзма тушунтиришлар берилишини талаб қилиш;

мазкур Низом, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари, нормалари, муддатлари ва бошқа талаблари бузилишини бартараф этиш тўғрисида ҳайвонот дунёси объектларидан барча фойдаланувчилар бажариши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

мазкур Низом ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талаблар бузилган ҳолларда ноқонуний тутилган маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш ҳамда қайта ишловчи ва савдо ташкилотларига (шартномавий баҳода), болалар уйлари ва қариялар уйларига, интернатлар, мактаблар ва касалхоналарга (бепул) бериш, шунингдек ов қилиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни олиб қўйиш;

ноқонуний ов қилиш ва балиқ тутиш қуроллари бўлган ўқ отар қурол ва унинг ўқ-дориларини белгиланган тартибда олиб қўйиш;

**бериш** — ариза берувчига рухсатнома ёки сертификатни тайёрлаш, тасдиқлаш ва топшириш билан боғлиқ барча тартиб-таомилларнинг якунланиши;

**дериват** — тирик бўлмаган ҳайвондан олинган маҳсулот;

**мансабдор шахс** — ушбу Низомнинг бажарилишини таъминлаш учун ташкилий-фармойиш берувчи ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган шахс;

**импорт** — қайтариб олиб чиқиш ҳақидаги мажбуриятсиз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш;

**CITES** — йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция (Convention of International Trade in Endangered Species of Wild Fauna and Flora), 1973 йилнинг 3 март куни Вашингтонда (АҚШ) имзоланган ва 1975 йилнинг 1 июлида кучга кирган ва Ўзбекистон унга 1997 йилда қўшилган;

**CITESнинг илмий органи** — Конвенциянинг IX моддасига мувофиқ тайинланган, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг сақланиши ва транспортда ташилиши, уларнинг турга мансублигини аниқлаштириш масалалари бўйича тавсиялар берувчи Конвенциянинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий илмий консультатив органи (кейинги ўринларда Илмий орган деб аталади);

**CITESнинг намунаси** — Конвенциянинг I, II ва III Иловаларига киритилган ҳар қандай ҳайвон ёки ўсимлик, тирик ё ўлик, ёхуд унинг осон аниқланадиган ҳар қандай қисми ёки ҳосиласи (дериват), шунингдек ҳужжатларга кўра, ўраш ёрлиғи ёхуд маркировкаси ё бошқа хусусиятларига кўра ҳайвон ва ўсимликнинг қисми ёки ҳосиласи (дериват) ҳисобланган ёки ҳисобланиши мумкин бўлган қисмлар.

**интродукция, экспорт, реэкспорт ва транзит вақтидаги текширувлар** — ушбу Низомда кўзда тутилган сертификат ва рухсатномаларни текшириш, шунингдек намуналарни ўрганиш ҳамда зарурият туғилганида, таҳлил ёки чуқурроқ ўрганиш учун намуна олиш;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



**реэкспорт** — илгари импорт қилинган ҳар қандай намунанинг экспорти;

**қутқарув маркази** — CITESнинг Маъмурий органи тирик намуналарни, хусусан мусодара қилинган ва олиб қўйилганларини парвариш қилишни топширадиган муассасани англатади;

**келиб чиқиши ҳақидаги сертификат** — Конвенциянинг I, II ва III Иловаларига киритилган турлар намуналари экспортига рухсат бериш ҳақидаги ҳужжат, ушбу намуналар ўзининг бундай рўйхати бўлмаган мамлакатдан келиб чиққан бўлса;

**келиб чиқиш мамлакати** — у ёки бу намуна ёввойи табиий муҳитда тутилган, ёхуд туғилган, ёки тутқунликда етиштирилган, ёхуд сунъий равишда урчитилган ёхуд интродукция натижасида олинган мамлакат;

**транзит** — Ўзбекистон Республикаси божхона қоидалари билан белгиланган транзит тартиб-таомиллари;

**экспорт** — қайтариб олиб кириш ҳақидаги мажбуриятсиз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини олиб чиқиш, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса;

4. CITES иловаларига киритилган намуналарни божхона чегараларидан ўтказишда махсус тартиб-таомиллардан ўтишни назарда тутади. Намуналарнинг ҳар бир туркумига махсус CITESнинг рухсатномаси бўлиши лозим. CITES иловалари ҳар уч йилда тарафлар — Конвенция иштирокчилари бўлган мамлакатлар Конференциясида аниқланади.

CITESнинг I Иловаси йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини ўз ичига олади. Ушбу турларни тижорат мақсадида экспорт, реэкспорт ва импорт қилиш тақиқланади, Конвенция Котибияти томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган питомникларда (шу жумладан ҳайвонот боғларида) кўпайтирилган иккинчи авлод намуналари бундан мустасно. I Иловадаги намуналарни чет элга олиб чиқиш учун CITESнинг ҳам экспорт, ҳам импорт рухсати олиниши талаб этилади.

CITESнинг II Иловаси мазкур вақтда йўқолиб кетиш хавф остида бўлмаса-да, лекин шундай хавф эҳтимоли бўлган турлардан фойдаланишда тирик қолишига хавф солувчи шарт-шароитларга йўл қўймаслик мақсадида, бундай турлар билан олди-сотди қилиниши қатъий тартибга солинмаслиги, уларнинг бундай хавф остида қолишига олиб келиши мумкин бўлган турларни ўз ичига олади. II иловадаги намуналарни чет элга олиб чиқиш учун CITESнинг экспорт рухсатномаси олиниши талаб этилади.

CITESнинг III Иловаси фойдаланишнинг олдини олиш ёки чеклаш мақсадида ҳар бир Конвенция Тарафининг тавсифи бўйича ўз ваколатлари доирасида тартибга солиниши лозим бўлган ва уларга нисбатан савдо-сотиқ назоратини амалга ошириш борасида бошқа Конвенция Тарафлари ҳамкорлиги зарур бўлган турларни ўз ичига олади. III Иловадаги намуналарни чет элга олиб чиқиш учун CITESнинг экспорт рухсатномаси олиниши талаб этилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



I, II ва III Иловаларга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар намуналарини экспорт, реэкспорт ва импорт қилиш учун рухсатнома CITES Илмий органининг ижобий хулосаси берилиши шарти билан CITES Маъмурий органи томонидан берилади.

5. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси CITESнинг Ўзбекистон Республикасидаги Маъмурий органи ҳисобланади.

CITESнинг Маъмурий органи CITES Конвенцияси қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти CITESнинг Ўзбекистондаги Илмий органи ҳисобланади.

## II. CITES Маъмурий органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, CITES Илмий органининг функциялари

6.CITES Маъмурий органининг ҳуқуқлари:

ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг намуналари сақланаётган хона ва транспорт воситаларини кўздан кечириш;

рухсатнома бериш ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун талаб этилаётган қўшимча маълумотни тақдим этишни талаб қилиш;

Конвенция ва ушбу Низомнинг талабларини бузган шахсни рухсатнома олиш ҳуқуқидан бутунлай ёки вақтинча маҳрум қилиш;

флора ва фауна намуналарига тааллуқли бўлган ҳужжатлар билан танишиш;

экспорт, реэкспорт ва импортга рухсатномаларни бекор қилиш ва фойдаланилганларини сақлаш;

ушбу Низом талабларини бузишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш, шунингдек тахмин этилаётган ҳуқуқбузарликка алоқаси бўлган намуна олиб қўйилиши ёки мусодара қилиниши ва унинг кейинчалик фойдаланилиши ҳақида қарор қабул қилиш;

Конвенция Иловаларига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар — турларни сақлаш ва сунъий етиштириш бўйича питомниклар (плантациялар)-нинг ташкил этилишини, рўйхатдан ўтказилишини ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш;

ушбу Низомнинг амал қилиши соҳасига тааллуқли ҳар қандай масалаларни кўриб чиқишда суд муҳокамаларида иштирок этиш;

Конвенция Котибияти ва Конвенция Тарафлари, шунингдек Конвенцияга қўшилмаган мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилиш органлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш ва 30 кун ичида рухсатномаларни расмийлаштириш;

Конвенция доирасидаги халқаро учрашувларда Ўзбекистон манфаатларини ифодалаш.

7.CITES Маъмурий органининг мажбуриятлари:

CITES Конвенцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тур-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



ларнинг сақланишига алоқадор талабларини амалга оширишда ва уларга риоя қилинишини таъминлашда бошқа тегишли органлар билан ҳамкорлик қилиш;

импорт, экспорт ва реэкспорт учун рухсатнома ва сертификатлар бериш ҳамда рухсатномага ушбу орган лозим топган шартларни қўшиш;

белгиланган тартибда рухсатнома беришни рад этиш;

ариза берувчининг ёлғон ёки янглиштирувчи маълумотлари асосида берилган рухсатномани қайтариб олиш ёки ўзгартириш;

ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари намуналари билан халқаро савдо операцияларини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш ҳамда бундай савдо бўйича ҳар йилги ҳисоботни тайёрлаш, шунингдек бу ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги ҳар бир йилнинг 31 октябригача Конвенциянинг Котибиятига тақдим этиш;

Конвенция қоидаларини амалга ошириш ва уларга риоя қилинишини таъминлаш учун қабул қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақидаги таклифларни Ҳукуматга киритиш;

CITES Илмий органи билан келишилган холда олиб қўйилган ёки мусодара қилинган тирик намуналар учун қутқарув марказларини ташкил этиш.

8. CITES Илмий органи функцияларига қуйидагиларни тақдим этиш киради:

Конвенциянинг I, II ва III Иловаларига киритилган флора ва фауна турлари намуналарини олиб кириш ва четга олиб чиқиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

I Иловага киритилган флора ва фауна турлари намуналари импорти бўйича хулосалар бериш;

I Иловага киритилган флора ва фауна турлари намуналари экспорти бўйича хулосалар бериш, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Конвенция Котибиятида рўйхатдан ўтказилган питомникларда етиштирилган ҳайвонлар бундан мустасно;

ҳайвонларнинг сақланиши бўйича хулосалар бериш;

питомникларни рўйхатга олиш бўйича хулосалар бериш.

## III. Экспорт, реэкспорт ва импортни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Юридик ва жисмоний шахслар ушбу Низомга мувофиқ Конвенциянинг I, II ва III Иловаларига киритилган ҳар қандай ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари намунаси экспорти, реэкспорти ва импортини амалга оширишга ҳақли.

10. Ушбу Низомга мувофиқ рухсатномасиз ёки ҳақиқий эмас деб ҳисобланадиган сохта рухсатнома билан Конвенциянинг I, II ва III Иловаларига киритилган ҳар қандай ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари намунасини импорт, экспорт ва реэкспорт қилиш ёки импорт, экспорт ва реэкспорт қилишга уриниш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



11. Ноқонуний олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқишга уриниш (CITES Маъмурий органининг махсус рухсатномасисиз) вақтида ушланган ҳайвонлар ва ўсимликлар, шунингдек уларнинг қисмлари, зоологик ва ботаник коллекциялар, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ва уларнинг ҳосилалари, ўлжалар, тулумлар CITES Маъмурий органи қарорига мувофиқ олиб қўйилиши лозим.

Олиб қўйилган ҳайвонлар ва ўсимликлар, шунингдек уларнинг қисмлари, зоология ва ботаника коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ва уларнинг ҳосилалари, ўлжалар, тулумлардан кейинчалик фойдаланиш ҳақидаги қарор CITESнинг Маъмурий органи томонидан, CITESнинг Илмий органи билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

12. Конвенцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конвенция талабларини бажариш бўйича мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида Маъмурий орган томонидан тасдиқланадиган ва зарурат туғилганида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган низом, қоидалар ва йўриқномалар ишлаб чиқилиши мумкин.

13. Ҳуқуқбузарликда айбдор деб топилган шахс Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Айбдор деб топилган шахс ҳайвон ёки ўсимликни табиий муҳитидан ажратиб олганлиги ёки бунга имконият туғдирганлиги, турни ноқонуний кўчирганлиги (экспорт, импорт) учун етказилган зарарни қоплайди. Қопланадиган зарарнинг миқдори турнинг Конвенциянинг у ёки бу Иловасига тегишлилигига боғлиқ.

14. Ҳар қандай турга эгаликнинг қонунийлигини исботлаш мажбурияти ушбу тур эгасига юкланади.

15. CITESнинг Маъмурий органи мансабдор шахси ҳуқуқбузарликни тасдиқловчи далиллар мавжудлигига ишонч ҳосил қилса, гумон қилинувчи шахсни ушлаб туриши ва тахмин қилинаётган ҳуқуқбузарликка алоқадор намунани олиб қўйиши мумкин.

16. Намуналар олиб қўйилиши натижасида юзага келган харажатлар, шу жумладан уларни сақлаш, ташиш ва жойлаштириш харажатлари ҳамда ҳайвон ва ўсимликларни олиб қўйилган вақтда парвариш қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳуқуқбузардан мажбурий тартибда ундириб олинади.

Ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланган намуналар ҳар қандай ҳолларда олиб қўйилади.

## IV. Конвенцияга киритилган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва четга олиб чиқиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби

### Умумий қоидалар

17. Конвенциянинг Иловаларига киритилган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва четга олиб чиқиш соҳасида муайян ҳара-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



катларни содир этишга ва (ёки) фаолиятни амалга оширишга рухсатномалар (кейинги ўринларда рухсатнома деб аталади) CITES Маъмурий органи томонидан ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича берилади.

18. Рухсатномалар мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича берилади.

Рухсатномада қуйидаги кодлардан фойдаланилади:

а) «№ Appendix /№ Илова» блокида:

I– I Илова;

II — II Илова;

III — III Илова;

б) «Source/Келиб чиқиш манбаи» блокида:

W — табиатдан ажратиб олинган намуналар;

R — ёввойи ҳайвонларни кўпайтирувчи махсус питомниклардан келиб чиққан намуналар;

D — Конвенциянинг 4-банди VII моддасига мувофиқ экспорт қилинадиган I Иловага киритилган тижорат мақсадларида тутқунликда (сунъий етиштирилган) ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳамда уларнинг қисмлари ва дериватлари;

A — сунъий кўпайтирилган ўсимликлар ҳамда уларнинг қисмлари ва дериватлари (нотижорат мақсадларида сунъий кўпайтирилган I Иловага киритилган турлар намуналари ҳамда II ва III Иловаларга киритилган турлар намуналари);

C — «тутқунликда етиштирилган» ҳайвонлар ҳамда уларнинг қисмлари ва дериватлари (нотижорат мақсадларида табиатдан ташқарида кўпайтирилган I Иловага киритилган турлар намуналари ва II ва III Иловаларга киритилган турлар намуналари);

F — тутқунликда етиштирилган тушунчасига тўлиқ жавоб бермайдиган табиий бўлмаган жойда етиштирилган ҳайвонларнинг биринчи авлоди ҳамда уларнинг қисмлари ва дериватлари;

U — келиб чиқиш манбаи аниқ эмас;

I — мусодара қилинган ёки ушлаб қолинган намуналар;

в) Purpose/Мақсад» блокида:

T — тижорат учун;

Z — ҳайвонот боғлари учун;

G — ботаника боғлари учун;

Q — цирклар ва кўчма кўргазмалар учун;

S — илмий мақсадлар учун;

H — ов ўлжалари учун;

P — шахсий буюмлар учун;

M — биологик изланишлар учун;

E — таълим мақсадлари учун;

N — табиатга интродукция ёки реинтродукция қилиш учун;

B — табиатдан ташқарида кўпайтириш ёки сунъий етиштириш учун.

19. Рухсатномада қуйидаги ёзувлар мавжуд бўлиши лозим: «Тирик ҳай-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



вонлар учун мазкур рухсатнома ҳақиқий ҳисобланади, транспорт воситаларида олиб юриш шартлари CITES тавсияномалари, авиацияда ташилган тақдирда эса — ИАТАнинг тирик ҳайвонлар тўғрисидаги тавсияномалари шартларига мувофиқ бўлса (Forliveanimals, this permit is only valid if the transport conditions conform to the CITES Guide lines for Transport of Live Animalsor, in the case of air transport, to the IATA Live Animals Regulations)», бу тирик ҳайвонларни транспорт воситаларида ташиш шартлари бажарилмаганда божхона чегарасида мутасадди органлар рухсатномаларни олиб қўйишга, ҳайвонларни эса мусодара қилишга мажбур эканлигини англатади.

20. Рухсатномалар ҳар бир алоҳида намуналар туркуми учун экспорт ва реэкспортга 6 ойгача, импортга эса 12 ойгача муддатга берилади.

Назорат қилувчи органлар учун фақат махсус ҳимоя маркасига эга бўлган ва CITES Маъмурий органи муҳри босилиб мансабдор шахс имзо қўйган, аниқ бир мамлакат ундан фойдаланадиган рухсатноманинг асл нусхаси ҳақиқий ҳисобланади.

CITES рухсатномасининг мавжудлиги экспорт қилувчини божхона, ветеринария ва фитосанитария қоидаларига риоя этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Божхона чегарасида тегишли тартиб-таомиллардан ўтиб бўлинганидан кейин рухсатноманинг асл нусхаси импорт қилувчи мамлакатнинг CITES Маъмурий органига юборилиши лозим.

### Рухсат берувчи талаблар ва шартлар

21.Содир этишга ва (ёки) амалга оширишга рухсат берилган ҳаракатларни содир этишда ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда рухсат бериш талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

ҳаракатларни содир этиш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда табиатдан фойдаланувчилар томонидан Конвенция талабларига мажбурий риоя қилиш;

табиатдан фойдаланувчи юридик шахс учун — номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганлиги юзасидан қайта рўйхатдан ўтказилганидан сўнг, табиатдан фойдаланувчи жисмоний шахс учун — давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида берилган гувоҳномадаги фамилияси, исми ва отасининг исми ёки фаолият жойи ўзгарганидан сўнг етти кун ичида CITES Маъмурий органини хабардор қилиш;

тегишлича ваколатли органлар томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларга ҳамда экологик, санитария-гигиена ва бошқа нормалар ва қоидаларга мажбурий риоя қилиш;

рухсатномаларда кўрсатилган доирада ҳаракатларни содир этиш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш;

Ҳаво транспорти Халқаро Ассоциациясининг Тирик ҳайвонларни ташиш қоидаларига риоя этиш;

рухсатномада кўрсатилган талабларга риоя этиш;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



рухсатномага ўзбошимчалик билан ҳар қандай тўғрилаш ва қўшимчалар киритилишининг тақиқланганлиги;

рухсатнома олиш учун ариза кўриб чиқилганлиги ва рухсатнома берилганлиги учун тўловни тўлаш.

22. Олиб кириш ва четга олиб чиқиш устидан давлат назоратини амалга ошириш мақсадида рухсатнома бошқа шахсга бериш ҳуқуқисиз фақат ариза берувчига ва унинг ишончли вакилига берилади.

Рухсатномани олган шахс уни бошқа шахсга фойдаланиш учун беришга ҳақли эмас, рухсатнома ташкилот раҳбари номига берилган ҳоллар бундан мустасно.

23. CITESнинг Маъмурий органи ушбу намуна юзасидан:

қонунчилик бузилиши, шу жумладан намуна келиб чиққан мамлакат — давлат қонунчилиги бузилган ҳолда сотиб олинмаганлигига;

реэкспорт қилиниши лозим бўлган намуна ушбу Низом талабларига мувофиқ импорт қилинганлигига;

тирик намуналарни транспортда ташиш Конвенция принципларига мувофиқ амалга оширилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

24. Рухсатнома учун тўлов амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ариза CITES Маъмурий органи томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 15 иш куни мобайнида ундирилади.

25. Фойдаланилмаган рухсатномалар ёки қисман фойдаланилган рухсатномаларнинг нусхалари божхона органларининг белгиси билан берилган жойга қайтарилади. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг олиб чиқилмаган (олиб кирилмаган) миқдори учун табиатдан фойдаланувчининг аризасига мувофиқ янги рухсатнома берилиши мумкин. Агар илгари берилган рухсатнома энг кам ойлик иш ҳақи ўзгаришидан олдин расмийлаштирилган бўлса, нархдаги фарқ миқдорида устама тўлов амалга оширилади.

26. Четга олиб чиқиб кетилаётган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг божхона расмийлаштируви CITES Маъмурий органининг рухсатномалари асосида амалга оширилади, бунда уларга ушбу объектларни давлат чегарасидан ўтказиш вақтида божхона органлари томонидан тегишли белги қўйилади.

27. Рухсатнома учун тўловлар миқдори Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-иловасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

## Рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олиш тартиби

28. Рухсатнома табиатдан фойдаланувчининг аризаси асосида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда берилади:

юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг фамилияси ва исми;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



жисмоний шахснинг маълумотлари — фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили (телефон рақами) ва паспорт нусхасини илова қилган ҳолда;

экспорт, реэкспорт, импортнинг мақсадлари (тижорат, илмий изланишлар, музей ва ҳайвонот боғлари ўртасида алмашинув, ов ўлжалари, совға ва ҳоказо);

ҳайвон ёки ўсимлик тури, унинг ўзбек, лотин ва рус тилларидаги тўлиқ номи;

намуналар таърифи (тирик ҳайвонлар, уларнинг терилари, тулумлар, ҳайвон танаси, суяклари, шохлари, тишлари, қони, увулдириғи, шунингдек маҳсулотлар ва ҳоказо; тирик ҳайвонлар учун — жинси ва ёши, белгиларининг мавжудлиги; ўсимликлар учун — ўсимликнинг қайси қисмлари эканлиги) ва миқдори;

намунанинг келиб чиқиши (табиатдан олинган, сунъий шароитларда — плантация, оранжерея, питомникларда ва ҳоказоларда етиштирилган ёки катта қилинган, бошқа мамлакатдан импорт қилинган, мусодара қилинган, сотиб олинган, совға сифатида ёки мерос тариқасида олинган ва бошқалар);

намуналарни олиб кириш ёки четга олиб чиқиш мўлжалланаётган муддат, ҳайвонлар ва ўсимликлар намуналарини ташиш учун транспорт воситалари;

экспорт қилувчи (реэкспорт қилувчи) ва импорт қилувчининг юридик манзили (жисмоний шахслар учун — уй манзили ва паспорт маълумотлари) ўзбек, рус ва инглиз тилларида.

Аризага ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳамда уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоология ва ботаника коллекцияларини етказиб беришга шартнома (контракт), шунингдек аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим. Агар шартнома (контракт) бўйича четга олиб чиқиш бир неча бор амалга оширилса, у бир маротаба тақдим этилади.

29. Рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар табиатдан фойдаланувчи томонидан CITES Маъмурий органига бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда уларнинг қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома билан топширилади. Электрон шаклда топширилган ҳужжатлар табиатдан фойдаланувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

30. Рухсатнома олиш учун CITES Маъмурий органига топширилган ҳужжатлар рўйхат бўйича ёки ариза нусхасига мувофиқ қабул қилинади, улар кўрсатилган орган томонидан ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган ҳолда табиатдан фойдаланувчига дарҳол қайтариб берилади.

### Аризани кўриб чиқиш ва рухсатномани бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

31. Ариза ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб 15 иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



32. Ариза кўриб чиқилганлиги ва рухсатнома берилганлиги учун ҳар сафар:

жисмоний шахслардан — Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 0,1 коэффициенти миқдорида;

табиатдан фойдаланувчи — юридик шахсдан — энг кам ойлик иш ҳақининг 0,2 коэффициенти миқдорида;

чет эл фуқароларидан — 50 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланган йиғим қайтарилмайди.

33. Йиғим суммаси CITES Маъмурий органининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

34. CITES Маъмурий органи табиатдан фойдаланувчига рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органлардан бериладиган қўшимча ҳужжатлар олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсатномани бериш соддалаштирилган тартибда «бир дарча»да амалга оширилади, бунда CITESнинг Маъмурий органи кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни табиатдан фойдаланувчи иштирокисиз мустақил равишда олади.

35. Ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг турларини аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосасини олиш зарур бўлганда CITES Маъмурий органи Фанлар академиясига хат билан мурожаат этади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

ҳайвон ёки ўсимлик тури;

хулоса олишнинг мақсади.

36. Хатни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан кўриб чиқиш муддати — ҳужжат олинган кундан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги лозим.

37. CITES Маъмурий органи табиатдан фойдаланувчи томонидан муайян хатти-ҳаракатларни содир этиш ва (ёки) фаолиятни амалга ошириш имкониятларини аниқлаш зарур бўлганда қарор қабул қилиш учун мустақил равишда ёки учинчи шахсларни жалб этган ҳолда тадқиқ қилиш, текшириш ёки бошқа техник баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолда кўриб чиқиш муддати 30 кунга қадар узайтирилади.

38. CITES Маъмурий органи тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай табиатдан фойдаланувчиларга рухсатномани беради (юборади) ёки рухсатнома бериш рад этилганлиги ҳақида уларни ёзма равишда хабардор қилади.

39. Рухсатнома бериш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

рухсатнома бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг табиатдан фойдаланувчи томонидан тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

табиатдан фойдаланувчининг рухсат бериш тартиб-таомиллари талаблари ва шартларига номувофиқлиги;

табиатдан фойдаланувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини транспортда ташиш шартларини кўриб чиқиш, ўрганиш, текшириш ва бошқа илмий ва техник баҳолаш натижалари бўйича асосли салбий хулоса берилганлиги.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



40. Рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги хабарнома табиатдан фойдаланувчига рад этиш сабаблари, аниқ қонунчиликнинг нормалари ва табиатдан фойдаланувчи камчиликларни бартараф этиб ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш учун топшириши мумкин бўлган муддат кўрсатилган холда ёзма равишда хабарнома жўнатилади (топширилади).

Табиатдан фойдаланувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб, қайтадан кўриб чиқиш учун ҳужжатларни топшириш муддати рухсатнома бериш рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб 10 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

41. Рад жавоби берилишига асос бўлган сабаблар белгиланган муддатларда табиатдан фойдаланувчи томонидан бартараф этилган тақдирда ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш, рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш ваколатли орган томонидан табиатдан фойдаланувчининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги ҳақидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 10 иш кунидан ошмаслиги лозим. Ариза қайтадан кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

42. Аризани қайтадан кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан илгари ариза берувчига ёзма равишда баён қилинмаган рад этиш сабаблари келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларини келтириш бундан мустасно.

43. Рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин табиатдан фойдаланувчи томонидан берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

44. Табиатдан фойдаланувчи рухсатнома бериш рад этилганлиги ҳамда ваколатли орган мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## Рухсатномаларни қайта расмийлаштириш ва дубликатлар бериш

45. Табиатдан фойдаланувчи — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда табиатдан фойдаланувчи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилганидан сўнг 7 иш куни ичида, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, CITESнинг Маъмурий органига рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

46. Табиатдан фойдаланувчи — жисмоний шахснинг унга берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият манзили ўзгарган тақдирда табиатдан фойдаланувчи қайта рўйхатдан ўтказишдан ўтгандан сўнг 7 иш куни ичида, ушбу маълумотларни тасдиқловчи ҳуж-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



жатларни илова қилган ҳолда, CITESнинг Маъмурий органига рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

47. Ҳужжатлар табиатдан фойдаланувчи томонидан CITESнинг Маъмурий органига бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда уларнинг қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома билан топширилади. Электрон шаклда топширилган ҳужжатлар табиатдан фойдаланувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

48. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилгунга қадар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган табиатдан фойдаланувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида ваколатли органнинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва/ёки фаолиятни содир этади ёки амалга оширади.

49. Рухсатномани қайта расмийлаштиришда CITESнинг Маъмурий органи берилган рухсатномалар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Рухсатномани қайта расмийлаштириш ва бериш ваколатли орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб 5 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

50. Рухсатнома қайта расмийлаштирилганлиги учун табиатдан фойдаланувчининг рухсатнома бериш ҳақидаги аризаси CITESнинг Маъмурий органи томонидан кўриб чиқилганлиги учун қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берилган санада тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси CITESнинг Маъмурий органи ҳисоб рақамига ўтказилади.

Олинган маблағлар моддий-техник таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун сарфланади.

51. Рухсатнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда табиатдан фойдаланувчининг аризасига биноан унинг дубликати берилади.

52. CITESнинг Маъмурий органи ариза ҳамда рухсатнома яроқсиз ҳолга келган тақдирда унинг асл нусхаси ва рухсатнома дубликати берилганлиги учун табиатдан фойдаланувчи томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан бошлаб 5 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда рухсатнома дубликатини бериши (юбориши) шарт. Рухсатнома дубликати берилганлиги учун табиатдан фойдаланувчининг рухсатнома бериш ҳақидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун дубликат бериш тўғрисидаги ариза берилган санада тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси CITESнинг Маъмурий органи ҳисоб рақамига ўтказилади.

### Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

53. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, рух-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



сатномани бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

54. Рухсатноманинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатишга асос бўлувчи рухсат бериш талаблари ва шартларининг бир марта қўпол равишда бузилишига қуйидагилар киради:

CITESнинг Маъмурий органи томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя қилинишини текширишдан бош тортиш;

рухсатномадан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш;

рухсатнома олиш учун сохта ҳужжатлар тақдим этиш ёки ўсимликларни асраш ва сақлаш шароитлари мавжуд эмаслиги.

### Берилган рухсатномалар реестри

55. CITESнинг Маъмурий органи берилган рухсатномалар реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

56. Берилган рухсатномалар реестрида табиатдан фойдаланувчилар ҳақидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилади:

табиатдан фойдаланувчилар — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;

табиатдан фойдаланувчилар — жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

рухсатнома берилган сана ва унинг рақами;

рухсатноманинг амал қилиш муддати;

рухсатномани қайта тиклаш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

рухсатноманинг амал қилишини тўхтатишнинг асослари ва санаси;

рухсатномани бекор қилишнинг асослари ва санаси;

рухсатнома дубликатини беришнинг асослари ва санаси.

57. Берилган рухсатномалар реестридаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш (CITES) соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг I, II ва III иловаларига киритилган ҳайвонлар турлари намуналари ва ўсимликлар турлари намуналарини олиб кириш ва четга олиб чиқишга рухсат бериш**
**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Ариза берувчи | Зарур материалларни тайёрлайди ва уларни ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари намуналарини олиб кириш ва четга олиб чиқишга рухсат олиш тўғрисидаги ариза билан биргаликда CITESнинг Маъмурий органига бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этади. | Ариза берувчининг хоҳишига биноан |
| 2-босқич | CITESнинг Маъмурий органи<br>CITESнинг Илмий органи<br>CITESнинг Маъмурий органи | 1. CITESнинг Маъмурий органи рухсатнома бериш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилади, белгиланган тартибда ўрганиб чиқади ва хулоса олиш учун CITESнинг Илмий органига юборади.<br>2. CITESнинг Илмий органи тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ва хулоса тайёрлайди.<br>3. CITESнинг Маъмурий органи ариза берувчига рухсатномани беради (юборади) ёки рад этиш сабабларини, | 5 иш куни мобайнида<br>5 иш куни мобайнида<br>5 иш куни мобайнида |

WWW.LEX.UZ

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Бажариш муддатлари** |
|---|---|---|---|
| | | қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда, рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилади. | |
| 3-босқич | CITESнинг Маъмурий органи | Рухсатнома беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин, белгиланган муддатда ариза берувчи томонидан такроран тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, ариза берувчига рухсатномани беради (юборади) ёки рухсатномани бериш рад этилганлиги тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилади. | 10 иш куни мобайнида |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш (CITES) соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

PERMIT / CERTIFICATE № 000000

**CONVENTION ON INTERNATIONAL TRADE IN ENDANGERED SPECIES OF WILD FAUNA AND FLORA**

☐ EXPORT
☐ RE-EXPORT **Original**
☐ IMPORT
☐ OTHERS:

**2.Valid Until** 00.00.0000

| | |
|---|---|
| 3. Importer (Name and Address) | **4. Exporter (Name and Address, Country)** |
| **3a. Country of Import** | |
| **5. Special conditions.**<br><br>**For live animals, this permit or certificate is only valid if transport conditions conform to the Guidelines for Transport of Live Animals or, in the case of air transport, to the IATA Live Animals Regulations.** | **6. Name, address, national seal/stamp and country of Management Authority**<br>**STATE COMMITTEE FOR NATURE PROTECTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN GOSBIOCONTROL**<br><br>100017, 5, Mustakillik Sq.. Tashkent . Republic of Uzbekistan, phone: +998(71) 239-43-42; 239-11-71; fax 239-14-94<br>e-mail: info@uznature.uz |
| **5a. Purpose of the Transaction (see reverse)** / **5b. Security stamp no.** 0000000 | |

| | **7/8. Scientific Name (genus and species) and common name of animal or plant** | | | **9. Description of specimens, including identifying marks or numbers** | | | **10. Appendix no. and source (see reverse)** | **11. Quantity (including units)** | **11a. Total Exported / Quota** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| A | **7/8.** | | | **9.** | | | **10.** | **11.** | **11a.** |
| | **12. Country of origin*** | **Permit No** | **Date** | **12a. Country of Last Re-export** | **Certificate no.** | **Date** | **12b. No of the operation** or date of acquisition***** | | |
| | | | | | | | | | |
| B | **7/8.** | | | **9.** | | | **10.** | **11.** | **11a.** |
| | **12. Country of origin*** | **Permit No** | **Date** | **12a. Country of Last Re-export** | **Certificate no.** | **Date** | **12b. No of the operation** or date of acquisition***** | | |
| | | | | | | | | | |
| C | **7/8.** | | | **9.** | | | **10.** | **11.** | **11a.** |
| | **12. Country of origin*** | **Permit No** | **Date** | **12a. Country of Last Re-export** | **Certificate no.** | **Date** | **12b. No of the operation** or date of acquisition***** | | |
| | | | | | | | | | |
| D | **7/8.** | | | **9.** | | | **10.** | **11.** | **11a.** |



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



<table>
<tr><td rowspan="2"></td><td>12. Country of origin*</td><td>Permit No</td><td>Date</td><td>12a. Country of Last Re-export</td><td>Certificate no.</td><td>Date</td><td>12b. No of the operation** or date of acquisition***</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td colspan="8">* Country in which the specimens were taken from the wild, bred in captivity or artificially propagated (only in case of re-export)<br>** Only for specimens of Appendix-I species bred in captivity or artificially propagated for commercial purposes<br>*** For pre-convention specimens</td></tr>
<tr><td colspan="8">13. This permit is issued by: Chief of the CITES Management Authority of Uzbekistan<br><br>XXXXXXXX, UZBEKISTAN ________00.00.00__________ ______________________<br>Place Date Security stamp, signature and official seal</td></tr>
<tr><td colspan="8">14. Export endorsement: 15. Bill of Landing / Airway bill number:<br><br>Block / Quantity: A ___; B ___; C ___; D ___<br><br>________ ________ ________ ________<br>Port of Export Date Signature Official stamp and title</td></tr>
<tr><td colspan="4">Original</td><td colspan="4">CITES PERMIT / CERTIFICATE №o 000000</td></tr>
</table>

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

1. Ёввойи ҳайвонларни тутишга, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқишга, ёввойи ўсимликларни (ғамлаш) тўплаш, уларни олиб кириш ва ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар учун, аризаларни кўриб чиққанлик ва рухсатнома берганлик учун тўлов ундиришдан олинадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш республика давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда «Давбионазорат» инспекцияси деб аталади) махсус ҳисоб рақамига ўтказилади, улардан:

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни тутганлик ва ёввойи ўсимликларни тўплаганлик (ғамлаганлик) учун 80 фоизи — республика бюджети даромадига ва 8 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ўтказилади. Маблағлар келгусида фа-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



қат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси кадастрини, ҳайвонлар ва ўсимликлар сони ҳисобини юритиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот тадбирларини олиб бориш учун фойдаланилади;

ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларнинг бошқа турларини тутганлик ва тўплаганлик (ғамлаганлик) учун 60 фоизи — алоҳида модда билан табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланадиган маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилади;

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларни олиб чиқиш учун 80 фоизи — республика бюджети даромадига ўтказилади;

ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларнинг бошқа турларини олиб чиқиш учун 60 фоизи — республика бюджети даромадига ўтказилади;

республиканинг балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларида саноат мақсадида балиқ овлаш учун 68 фоизи — балиқчилик тармоғини ривожлантириш тадбирларига харажатларни қоплашга йўналтириладиган маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилади, 20 фоизи — Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

яланғоч қизилмияни қайта ишлаш маҳсулотини (суюқ ва кукунсимон экстрактларини), шунингдек яланғоч қизилмияни маҳсулот сифатида четга олиб чиқишга берилган рухсатнома учун 60 фоизи — республика бюджети даромадига ўтказилади.

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2. Давлат ўрмон фонди ерларида аризаларни кўриб чиққанлик ва рухсатномалар берганлик учун олинадиган маблағлар 100 фоиз миқдорида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

3. Ёввойи ҳайвонларни бошқа жойга кўчириш ёки урчитиш учун тутишга рухсатнома беришдан олинган маблағлар 100 фоиз миқдорида:

бириктирилмаган овчилик-балиқ овлаш ерларида овлашда — «Давбионазорат» инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига;

овчилик-балиқ овлаш хўжаликларида овлашда — ушбу хўжаликни юритувчи овчиликдан фойдаланувчининг ҳисоб рақамига;

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тасарруфида бўлган давлат ўрмон фонди ерларида овлашда — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги тегишли ўрмон хўжалиги органларининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

4. Давлат ўрмон фондига кирмаган дарахт ва буталарни кесишга рухсатномалар беришдан тушадиган маблағлар маҳаллий табиатни муҳофаза



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



қилиш жамғармаларига ўтказилади, шундан 60 фоизи маҳаллий бюджетга ўтказилади, қолган 40 фоизи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сарфланади.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарималар ундиришдан олинган маблағлар ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилган зарарни қоплаш бўйича маблағлар 100 фоиз миқдорида:

агар ҳуқуқни бузиш давлат қўриқхонаси ҳудудида содир этилган бўлса — унинг ҳисоб рақамига;

агар бириктирилмаган ер майдонларида ҳуқуқни бузиш содир этилган бўлса — қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳисоб рақамларига;

овчилик-балиқ овлаш хўжаликларида ҳуқуқни бузиш содир этилган тақдирда — овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритувчи фойдаланувчининг ҳисоб рақамига;

давлат ўрмон фонди ер майдонларида ҳуқуқни бузиш содир этилган тақдирда — амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

Қолган барча ҳолларда, қўриқхоналар ҳудудидан ташқари ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган қоидабузарлик табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан очилганда, ер майдонларининг тегишлилигидан қатъи назар, жарималар ва етказилган зарарни қоплашдан тушадиган барча сумма «Давбионазорат» инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига тушади, ундан жарималар тўлаш ва етказилган зарарни қоплашдан тушган сумманинг 60 фоизи республика бюджетига ўтказилади.

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима суммаларини ундиришда ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилган зарарни қоплаш, шунингдек мусодара қилинган ов ва балиқ овлаш қуроллари, ноқонуний ов қилиш ва балиқ овлаш натижасида олиб қўйилган маҳсулотларни ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишдан олинган маҳсулотларни сотишдан тушган маблағлар суд ижрочилари томонидан мажбурий тартибда ундирилади, тушган маблағларни тақсимлаш бошқа қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

7. Мусодара қилинган ов ва балиқ овлаш қуроллари, ноқонуний ов қилиш ва балиқ овлаш натижасида олиб қўйилган маҳсулотларни ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишдан олинган маҳсулотларни сотишдан тушган маблағлар «Давбионазорат» инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади, шундан 60 фоизи республика бюджетига ўтказилади.

8. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаган барча шахсларга табиатни муҳофаза қилиш органлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси,



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



давлат қўриқхоналари, овчилик, балиқ овлаш ва ўрмон овчилиги хўжалигини юритувчи юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларига зарарни қоплашдан ва пул жаримасидан тушадиган сумманинг 30 фоизи (ҳайвонот дунёси бўйича) ва 10 фоизи (ўсимлик дунёси бўйича) миқдорида мукофот пули тўланади. Қизил китобга киритилган ҳайвонларни ноқонуний овлаганлик учун ундирилган даъво бўйича мукофот пули тўлаш зарарни қоплаш ва жарима пули суммасининг 20 фоизи, ўсимликлар бўйича эса — 5 фоизи миқдорида тўланади.

9. «Давбионазорат» инспекцияси махсус ҳисоб рақамининг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган смета бўйича сарфланади.

Махсус ҳисоб рақами маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

10. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳисоб рақамининг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган смета бўйича сарфланади.

Ҳисоб рақамининг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

11. «Давбионазорат» инспекцияси махсус ҳисоб рақами ва Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳисоб рақамининг календарь йил охиридаги фойдаланилмаган маблағлари қолдиғи хизмат кўрсатувчи банкнинг ҳисоб рақамида қолади, ёпилмайди ва олиб қўйилмайди, кейинги йилга ўтадиган қолдиқ ҳисобланади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

## Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш СХЕМАСИ




**Маблағларни ўтказиш:**

**Республика бюджетига:**

Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонларни тутганлик ва ёввойи ўсимликларни ғамлаганлик учун — 80 фоиз;

ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларни олиб чиққанлик учун — 60 фоиз;

ундирилган жарима ва зарарни қоплашдан — 60 фоизи;

мусодара қилинган ов ва балиқ овлаш қуроллари, ноқонуний ов қилиш ва балиқ овлаш натижасида олиб қўйилган маҳсулотларни ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишдан олинган маҳсулотларни сотишдан — 60 фоизи;

яланғоч қизилмиянинг қайта ишлаш маҳсулотини (суюқ ва кукунсимон экстрактларини), шунингдек яланғоч қизилмияни маҳсулот сифатида четга олиб чиқишга рухсатномалар учун тушадиган маблағлардан — 60 фоизи.

**Маҳаллий бюджетга:**

ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларнинг бошқа турларини тутганлик ва тўплаганлик (ғамлаганлик) учун — 60 фоиз;

республиканинг балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларида саноат мақсадида балиқ овлаш учун рухсатномалар берганлик учун тушган суммалардан — 68 фоизи;

давлат ўрмон фондига кирмаган дарахт ва буталарни кесишга рухсатномалар беришдан — 60 фоизи.

**Фанлар академиясига** — Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонларни тутганлик ва ёввойи ўсимликларни тўплаганлик учун — 8 фоиз.

**Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига** — республиканинг балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларида балиқ овлаш учун рухсатнома беришдан — 20 %.

**Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига:**

ўрмон хўжалиги ерларида ёввойи ҳайвонларни бошқа жойга кўчириш ёки урчитиш учун тутишга рухсатномалар беришдан олинган маблағлардан — 100 фоизи;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарималарни ундиришдан олинган маблағлардан ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилган зарарни қоплаш бўйича маблағлардан — 100 фоизи (қонунбузарликлар ўрмон хўжалиги ходимлари томонидан очилган ҳолатларда).

**Овчилик-балиқчилик хўжаликларига** — маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарималар ундиришдан олинган маблағлардан ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилган зарарни қоплаш суммаларидан — 100 фоизи (қонунбузарликлар ушбу овчилик хўжаликлари ходимлари томонидан очилган ҳолатларда).

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2014 yil 27 oktabr holatiga



Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириладиган жарима миқдорларини ҳисоблаш таксаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1995 йил 27 июлдаги 293-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 7-сон, 26-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида» 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 102-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Яланғоч қизилмияни қайта ишлайдиган ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 1 мартдаги 61-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 3-сон, 14-модда).



WWW.LEX.UZ